

338.24(043.3)

с98

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ

УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма ҳуқуқида

УДК: 658+334.75

СУЮНОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРАДОВИЧ

**БИЗНЕС МУҲИТНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг»

Иқтисод фанлари доктори

илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2008

338.24(043.3)
с98

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академиясида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: Иқтисод фанлари доктори, профессор
Шардаев Абдунаби Холиқович

Расмий оппонентлар: Иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдурахманов Қаландар Хўжаевич

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Тохиржон Каримович

Иқтисод фанлари доктори
Қосимова Дилором Собировна

Етакчи муассаса: Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази


Химоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари
доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси буйича Д.067.06.01
рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил «4» май, соат «9» да
ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида
танишиш мумкин

Авторсферат 2008 йил «3» сентябрда тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

 **Б.Б. Беркинов**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси иқтисодийётининг тармоқларига инвестициялар жалб этишни кенгайтириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик янгилаш корпоратив бошқарув назарияси ва амалиётини қўллаш самарадорлигига боғлиқдир. Корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарувнинг тамойиллари ва шарт-шароитларини инобатга олиш мазкур тузилмалар фаолият натижаларининг яхшиланишига олиб келади. Шунинг учун корпоратив тузилмаларни бошқаришнинг замонавий ва самарали йўлларидан бири бўлган корпоратив бошқарув механизми мамлакатимизда бизнес муҳитининг ривожланишига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Бугунги кунда республика фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг аҳволи бизларни қониқтирмайди. Бундай аҳвол кўп жиҳатдан корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимидаги жиддий камчилик ва нуқсонлар билан боғлиқ.... Минг афсуски, мазкур акциядорлик компанияларнинг Кузатув кенгашлари, тафтиш комиссиялари деярли ишламайди, улар номигагина, қоғозда қолиб кетмоқда»¹.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги мамлакатда кўп укладли иқтисодийёт ва корпоратив бошқарув тизимининг шаклланишида асосий омиллардан бирига айланди. Бунинг оқибатида корпоратив муносабатлар асосида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари сони 2007 йил 1 январь маълумотларига кўра 2307 тани ташкил этди ва уларда мамлакат иқтисодийётдаги мавжуд асосий фондларнинг деярли учдан бир қисми жамланган. Шу сабабли ҳам меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати, ўзаро рақобатнинг ривожланиши, инновацион технологияларни кенг қўллаш ва ижтимоий соҳанинг истиқболи, аҳолининг бандлик ва турмуш даражасининг яхшиланиши каби макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар ривожланишининг асосий омилига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ислохотлар иқтисодийётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, мулкчилик муносабатларини ҳам эркинлаштиришга қаратилган. Бу жараёнлар эса соҳада корпоратив бошқарув услубларини ривожлантиришга замин яратади. Корпоратив муносабатларни шакллантириш ва мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб ривожлантириш, корпоратив бошқарув механизмининг бизнес муҳитга таъсирини кучайтириш масалалари долзарб аҳамият касб этгани ҳолда, ушбу жараёнларнинг илмий ва амалий жиҳатлари тизимли тарзда етарлича тадқиқ этилмаган.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятига корпоратив бошқарувнинг самарали механизмини жорий этишда ҳали ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуддир. Улар қаторига давлатнинг манфаатли иштирокчи

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2007. б. 37.

сифатида корпоратив секторда юритиши лозим бўлган самарали сиёсатини, корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларини Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этишни, хусусийлаштирилган мулккий муносабатлар тизимида жамиятнинг мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи илғор корпоратив бошқарув механизмини яратиш заруриятини киритиш мумкин. Демак, Ўзбекистон корпоратив тузилмаларида бизнес муҳитни ривожлантиришга корпоратив бошқарув механизмини жорий этиш ва уни такомиллаштириш ўз ечимини кутаётган, долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив бошқарувнинг фан сифатида ривожланишига бир қатор олимлар илмий қарашлари ва асарлари билан ўз ҳиссаларини қўшганлар. Корпоратив бошқарув муаммолари хорижлик иқтисодчилардан И.Ансофф, П.Дойль, Д.Коллис, С.Монтгомере, Л.Эдвинсон, С.А.Мэлоун, А.Рассел, С.А.ДеФиллипс, Дж.Коллинз, К.Кули, М.Хессель, М.Х.Мескон ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган. Масалан И.Ансоффнинг илмий изланишларида бошқарувнинг янги шакли, яъни акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув масалалари ва уларни ташкил этишнинг зарурияти ўз аксини топган². П.Дойлнинг илмий изланишларида корхоналарни корпоратив бошқариш, унинг стратегияси ва тактикаси масалалари тадқиқ этилган³. Д.Коллисининг илмий асарларида компанияларда корпоратив стратегияларни ишлаб чиқишда ресурслар ролини ошириш масалалари таҳлил қилинган⁴. Л.Эдвинсоннинг илмий изланишларида корпоратив бошқарувнинг назарий асослари, унинг асосида бошқарувчиларнинг билимлари асосий ўрин тутиши тадқиқ этилган⁵. С.А.Мэлоуннинг илмий изланишларида эса корпоратив бошқарувнинг ташкил этилиши ва бошқарув жараёнларининг самарадорлиги ва бошқарувнинг халқаро тан олинган тамойиллари масалалари чуқур ўрганилган⁶.

Ушбу муаммолар йўналишида россиялик иқтисодчи олимлар ичида Е.Г.Афанасьева, У.Э.Батнер, Д.Ю.Голубков, А.Р.Горбунов, В.Е.Дементьев, М.В.Докучаев, Ю.В.Игнатушин, Р.С.Кравченко, С.П.Кукура, С.А.Масютин, И.И.Мазур, А.Д.Шеремет, каби олимларнинг олиб борган изланишлари диққатга сазовордир. Масалан: У.Э.Батнернинг илмий изланишларида Россия акциядорлик жамиятларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг Америка корпорацияларини бошқариш тизимидаги хусусиятлари билан таққослаш ишлари амалга оширилган⁷. Д.Ю.Голубковнинг илмий изланишларида Россияда корпоратив тузилмаларнинг ташкил топиши ва уларни келгусида

² И.Ансофф. Новая корпоративная стратегия. - СПб: Издательство «Питер», 1999 г. - 416 с.

³ П.Дойль. Менеджмент: стратегия и тактика: Пер. с англ. под ред. Ю.Н.Каптуревского. - СПб: «Питер», 1999 г. - 560 с.

⁴ Д.Коллис. Монтгомери С. Корпоративная стратегия. Ресурсный подход // Пер. с англ. - М.: ЗАО «Олимп-бизнес», 2007 г. - 400 с.

⁵ Лейф Эдвинсон. Корпоративная долгота. Навигация в экономике, основанной на знаниях. - М.: «Инфра-М», - XX, 2005 г. - 248 с.

⁶ С.А.Мэлоун. Корпоративный учебный центр: создание и управление // Самуэль А.Мэлоун; пер. с англ. Ежов Т.О.; науч. ред. Сорокоунов А.В. -Минск: Гревцов Паблшер, 2008 г. - 208 с.

⁷ У.Э.Батнер. Основные черты российского акционерного общества и американской корпорации // Гос и Право, 1998 г. №7. - 80 с.

ривожлантириш истикболлари масалалари кенг ёритилган⁸. М.В.Докучаевнинг илмий изланишларида эса Россияда корпоратив бизнеснинг ташкил топиши, уни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари таҳлил қилинган⁹. Бошқа олимларнинг ушбу йўналишда олиб борган изланишлари ҳам диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари орасидан айнан корпоратив тузилмалар, улар фаолиятини бошқариш муаммоларига бағишланган илмий изланишлари ва асарлари билан танилган М.Ш.Шарифхўжаев, Ё.А.Абдуллаев, Б.Б.Беркинов, Д.Н.Рахимова, Ш.Ғ.Юлдашев, Д.С.Қосимова, С.С.Ғуломов, А.А.Хошимов, Р.И.Яушев, М.Б.Хамидулин ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Ушбу олимларимиздан, масалан: Б.Б.Беркиновнинг илмий изланишларида республикаимизда корпоратив тузилмаларни ташкил қилиш ва улар фаолиятини бошқариш масалалари тадқиқ қилинган¹⁰. А.А.Хашимовнинг илмий изланишларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш, шунингдек миллий холдинг компанияларининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, ички назорат тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган¹¹. Д.С.Қосимовнинг илмий изланишларида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий холдинг компанияларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишни бошқариш масалалари тадқиқ этилган¹². С.С.Ғуломовнинг илмий изланишларида эса мамлакат акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ривожлантириш, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган¹³. Улар ўз илмий изланишларида миллий корпорацияларда бошқарувни ривожлантириш, дивиденд сиёсатини танлаш, стратегик режалаштириш, миллий иқтисодийётни ислоҳ қилишда бошқарув тизимининг турли элементлари ҳоҳиятини назарий жиҳатдан очиб беришда хисса қўшишган.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда иқтисодийётни ривожлантириш учун бизнес муҳитнинг тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаш, корпоратив тузилмаларда бошқарув қарорларини қабул қилишда томонлар манфаатларини уйғунлаштириш, бизнес муҳит ва акциядорлик жамиятларини бошқариш самарадорлиги орасидаги боғлиқликни баҳолаш, бизнес муҳитни корпоратив муносабатлар орқали такомиллаштиришнинг

⁸ Д.Ю.Голубков. Особенности корпоративного управления в России. – М.: Издательский дом «Альпина», 1999 г. – 272 с.

⁹ М.В.Докучаев. Российский корпоративный бизнес: проблемы управления, стратегия развития. – М.: «Академия», 2003 г. – 384 с.

¹⁰ Б.Б.Беркинов. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац-б-ки Узбекистана им. Алишера Навои, 2005 г. – 132 с.

¹¹ А.А.Хашимов. Узбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун бажарилган дис. ишига автореф. – Т.: ТМИ. 2007 й. – 42 б.

¹² Д.С.Қосимова «Ўзбекнефтгаз» МХК ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишни бошқариш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун бажарилган дис. ишига автореф. – Т.: ТДГУ. 2006 й. – 42 б.

¹³ С.С.Ғуломов. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Автореф. дис. на соискание степени доктора юридических наук. – Т.: ТГЮИ 2005 г. – 43 с.

концептуал асосларини ишлаб чиқиш, корпоратив бошқарувнинг сифат кўрсаткичларини ошириш ёрдамида бизнес муҳитни такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари долзарблик касб этмоқда. Ушбу муаммони тадқиқ этишнинг зарурияти, унинг етарлича ўрганилмаганлиги ва амалий аҳамияти тадқиқот мавзусини танлаш, диссертациянинг мақсад ва вазифаларни белгилашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан узвий боғлиқдир («Корпоратив секторни ривожлантиришнинг институционал муаммолари: мулкчилик, бошқарув ва инвестициялаш илмий-амалий дастури» № П-2.24. Шифр: 2.24).

Диссертация тадқиқотининг мақсади. Ўзбекистонда бизнес муҳитни ривожлантиришга корпоратив бошқарув механизмини жорий этишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бизнес муҳитнинг тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаш, ҳамда менежмент фани эволюциясида корпоратив мулк ва уни бошқаришнинг илмий-назарий асослари моҳиятини очиб бериш;

– корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилишда томонлар манфаатларини уйғунлаштириш тамойилларини корпоратив ихтилофларни бартараф этишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш;

– корхоналар фаолиятининг барқарорлиги ва салоҳиятини корпоратив бошқарув тамойиллари орқали шакллантириш механизмларини илмий асослаш;

– бизнес муҳит билан акциядорлик жамиятларини бошқариш тамойиллари орасидаги боғлиқликни баҳолашнинг рейтинг услубларини ишлаб чиқиш;

– хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида корпоратив бошқарув механизмининг корхоналар бизнес муҳити ривожланишига таъсирини баҳолаш;

– корпоратив бошқарув тизимининг мамлакат макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

– бизнес муҳитни корпоратив муносабатлар орқали такомиллаштиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар бериш;

– корпоратив бошқарувнинг сифат кўрсаткичларини ошириш ёрдамида бизнес муҳитни такомиллаштириш ва Ўзбекистонда корпоратив назоратни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш;

– бизнес муҳитда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган акциядорлик компаниялари, корпоратив муносабат иштирокчилари бўлган хўжалик субъектлари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистонда бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этиш билан боғлиқ муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини бошқарувнинг замонавий назариялари ва таълимотлари, мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг тадқиқотлари натижалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодийётни ислох қилишга оид, назарий ва амалий муаммолари бўйича концептуал қарашлари ва асарлари ташкил қилади.

Тадқиқот этилаётган муаммо бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, республика акциядорлик жамиятлари ва компаниялари маълумотлари ҳамда муаллифнинг монографик тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида илмий абстракция, тизимли таҳлил, иқтисодий моделлаштириш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– корпоратив бошқарув механизми мамлакат корпоратив тузилмаларида бизнес муҳитни ривожлантиришда устувор аҳамият касб этишининг илмий асослари;

– корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарув самарадорлигини аниқлаш имкониятини берувчи илмий асосланган рейтинг баҳолаш услубиёти;

– корпоратив бошқарув муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган Кузатов кенгаши фаолияти самарадорлигини белгилловчи корпоратив бошқарув модели;

– давлатнинг корпоратив сектордаги роли ва аҳамиятига таъсир этувчи давлатнинг ишончли вакиллари, ишончли бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш имкониятини берувчи, ҳамда республикада фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларнинг бизнес муҳитдаги ролига ижобий таъсир этувчи корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тавсиялар;

– корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун акциядорлик жамиятининг бизнес қийматини аниқлаш услубиёти;

Диссертация ишининг илмий янгилиги корпоратив муносабатларни жорий этишни такомиллаштириш орқали мамлакат бизнес муҳитини ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Илмий янгиликка молик натижалар қуйидагилардан иборат:

– капитални ошириш бизнес ва бошқарувнинг умумий вазифаси эканлигидан келиб чиқиб, самарали тузилма сифатида тан олинган акциядорлик жамияти ҳамда бошқаришнинг мукаммаллашган кўриниши – корпоратив бошқарув эканлиги ва у бизнес муҳитнинг ташкил этувчилари саналади деган ғоя илгари сурилиб, тизимли ёндошув асосида «бизнес-муҳит», «корпоратив бошқарув» ва «корпоратив бошқарув механизми» тушунчаларига муаллиф таърифи келтирилди;

– манфаатлар назарияси асосларига таянган ҳолда бизнес муҳитда корпоратив бошқарув иштирокчиларининг манфаатларини уйғунлаштириш имкониятини берувчи илмий қарашлар тизими шакллантирилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди;

– корпоратив бошқарув амалиётини рейтинг баҳолаш усули бизнес муҳит билан корхонани бошқариш самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлашнинг энг мақбул усулларидан бири эканлиги илмий асосланди;

– корпоратив бошқарувнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган асосий моделлари ўртасидаги ҳуқуқий ва институционал фарқлар таҳлил қилиниб, ички назоратнинг заруриятини тақозо этиши эътироф этилиб, акциядорлик жамиятларида назорат функциясини амалга оширишнинг инсайдерлик тизимидан аутсайдерлик тизимига ўтиш максалда мувофиқ бўлиши асосланди;

– кузатув кенгашининг акциядорлик жамияти бошқарувига таъсири нуктаи назаридан келиб чиқиб, «кузатилувчи», «бошқарилувчи» ва «йўналтирилувчи» корпоратив бошқарув моделлари ишлаб чиқилди;

– халқаро миқёсда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекслари таснифланиб, Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари учун «Корпоратив бошқарув кодекси» ва ўтиш даври иқтисодиётига хос бўлган давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини берувчи «Давлат ишончли вакилининг ҳулк кодекси» лойиҳалари ишлаб чиқилди;

– бизнес муҳитда корпоратив бошқарув учун ахборот базасининг алгоритмик тузилмаси, Кузатув кенгашини ахборот билан таъминлаш модели ва акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг ахборотлар базаси таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди;

– бизнес муҳитда акциядорлик жамиятлари ривожланиш кўрсаткичларининг ялпи ички маҳсулотга таъсири даражаси корреляциявий боғлиқлиги аниқланди;

– бизнес муҳитда корпоратив бошқарув самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлили асосида акциядорлик жамиятининг бизнес қиймати ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари қуйидагича:

бизнес муҳитни ривожланишида корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасидаги манфаатлар мувозанати ҳамда акциядорлик жамияти фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ихтилофлар таснифи илмий асослаб берилганлиги;

Кузатув кенгашининг акциядорлик жамияти бошқарувига таъсири нуктаи назаридан келиб чиқиб «кузатилувчи», «бошқарилувчи» ва «йўналтирилувчи» корпоратив бошқарув модели ишлаб чиқилганлиги;

– бизнес муҳитда корпоратив бошқарув ахборот базасининг алгоритмик тузилмаси, кузатув кенгашини ахборот билан таъминлаш модели ва акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг ахборотлар базаси таркибий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги;

- бизнес муҳитда акциядорлик жамиятлари ривожланиш кўрсаткичларининг ялпи ички маҳсулотга таъсири даражаси корреляциявий, регрессив таҳлиллар асосида аниқланганлиги;

- бизнес муҳитда корпоратив бошқарув самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлили асосида акциядорлик жамиятининг бизнес қийматини аниқлаш услубиёгининг ишлаб чиқилганлиги, корпоратив тузилмаларнинг мамлакат бизнес муҳитидаги ўрнини ошириш имкониятини беради.

Шу билан бирга тадқиқотдаги назарий тавсиялардан олий ўқув юрларининг «Менежмент», «Молиявий менежмент», «Корпоратив бошқарув» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган тавсиялар ҳамда таклифларни корпоратив тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маъсул идоралар томонидан акциядорлик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация ишининг натижалари, хулоса, таклиф ва тавсиялар Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (2008 йил 4 февралдаги 03/84-сонли далолатнома), «Ўзбектелеком» АК (2008 йил 17 январдаги 01-20/5-162-сонли далолатнома), «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ (2008 йил 20 февралдаги НР-1177-сонли далолатнома), «Фаргона матлуботсавдо» АК (2008 йил 15 январдаги 6Д/16-сонли далолатнома) ва «Андижонёғмой» ОАЖ (2007 йил 29 декабрдаги 1-1885-сонли далолатнома) томонидан амалиётга қўллаш учун қабул қилинган. Ушбу таклиф ва тавсияларни бошқа корпоратив тузилмалар фаолиятида ҳам кенг қўллаш мумкин.

Шунингдек, муаллифнинг назарий ишланмалари ва амалий таклифларидан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда (Корпоратив бошқарув марказининг 2008 йил 5 февралдаги 30/03-сонли далолатномаси).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ғоялари ва натижалари куйидаги халқаро ҳамда республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва маъқулланган: Иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш механизмини такомиллаштириш (Республика илмий конференцияси – Самарқанд, 2001); Шестнадцатые международные Плехановские чтения – Москва, 2003); Ўзбекистонда яхши корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари (Халқаро илмий амалий конференция – Тошкент, 2006); Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби илмий семинари – Тошкент, 2006); Иқтисодий интеграциялашув шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби илмий семинари – Тошкент, 2007).

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби «Менежмент» ва

«Молия» кафедраларининг кенгайтирилган семинар йиғилишида, Тошкент Молия институти «Менежмент», «Бизнесни бошқариш» ва «Умумиктисодий назария ва иктисодий педагогика» кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети «Менежмент» кафедраси илмий семинари йиғилишида, Самарканд иктисодиёт ва сервис институти Илмий-муаммовий семинари йиғилишида ва Тошкент Давлат иктисодиёт университети қошидаги Илмий-муаммовий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ҳамда ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Ишнинг асосий илмий ғоялари ва натижалари 2 та монография, 3 та ўқув қўлланма, 20 та мақола (шу жумладан 3 таси хорижда) ва 11 та тезислар кўринишида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 32 та расм, 18 та жадвал ва 17 та иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг матни 277 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти ва предмети асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «Бизнес муҳит ва корпоратив бошқарув механизмини ишлаб чиқишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида бизнес муҳит ва корпоратив бошқарув механизмининг моҳияти, уларнинг ижтимоий-иктисодий асослари, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришнинг меъриий-ҳуқуқий асослари ва корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилишда томонлар манфаатларини уйғунлаштириш тамойилларининг моҳиятини очиб беришга бағишланган.

Замонавий бизнес – бу саноат, қурилиш, транспорт, аграр, инновацион, электрон, банк ва бошқа тадбиркорлик соҳаларнинг мураккаб ўзаро боғлиқ тизимидир. Унинг узлуксиз ва самарали фаолиятини бозорнинг муҳим асослари бўлган хусусий мулк, рақобат, баҳо белгилаш тизими, бозор инфратузилмаси институтлари, тадбиркорнинг иқтисодий эркинлиги, билимли мутахассислардан иборат кадрларга суянувчи механизм ва қороналарни бошқарувчи замонавий менежерлар таъминлайди. Юқсак даражада ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатларда бизнеснинг хўжалик амалиёти чуқур ўрганилган бўлиб, йиғилган тажриба фирмаларнинг манфаати йўлига хизмат қилиши билан бирга, мулкдорларнинг фойда олишига қаратилган. Бизнеснинг хўжалик амалиёти ҳақида сўз кетганда иқтисодий муносабат иштирокчилари одатда, «бизнес муҳит» сўз бирикмасидан фойдаланадилар.

Диссертацияда «Бизнес муҳит» иборасининг асл мазмунини аниқлаш учун илмий манбаларга мурожаат қилинганда ушбу сўз бирикмасининг яхлит ҳолдаги изоҳи аниқланмади. Шунинг учун диссертацияда сўз бирикмасидаги «бизнес» ва «муҳит» сўзларининг изоҳларига эътибор қаратиш лозим деб топилди. Баъзи манбаларда «Бизнес – (ингл. business – иш, машғулот) даромад

келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонуларга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, ҳужалик фаолияти; тижорат; ишбилармонлик»¹⁴, деб кўрсатилган. Аммо бу ерда мулкӣ ва иқтисодӣ муносабатлар ҳамда корхонанинг асосӣ функцияси ва вазибаларидан келиб чиқиш назарда тутилмаган. Яна бир манбада «бизнес – бу фойда келтирувчи иқтисодӣ фаолият; даромад ёки бошқа кўринишдаги шахсий наф келтирувчи ҳар қандай фаолият»¹⁵, деб кўрсатилган. Бу ерда эса бизнеснинг қонун доирасида фаолият юритиши эътиборга олинмаган. «Муҳит – (араб. – ўраб олинган, ихота этилган) ҳаёт, фаолият кечадиган табиӣ ёки ижтимоӣ шароитлар мажмуи»¹⁶. Унинг русча номланишига («среда») берилган таърифдан ҳам деярли шу мазмун келиб чиқади: «Муҳит – атрофдаги шарт-шароит, ҳолат, ушбу шароитлар билан ўзаро боғланган кишилар йиғиндиси»¹⁷. Эътибор берилса, муҳитнинг шароит сифатидаги моҳиятига алоҳида урғу берилган. Келтирилган изоҳлардан фойдаланган ҳолда «бизнес муҳит» иқтисодӣ категориясига қуйидагича таъриф берилди: бизнес муҳит – бу қонунӣ даромад олиш мақсадлари кўзланган фаолиятни юритиш имкониятини берувчи ижтимоӣ-иқтисодӣ шароитлар мажмуидир.

Бизнес муҳитнинг ривожланиши маълум бир маънода жамиятнинг дунёвий тараққиётига асос бўлувчи шарт-шароитларнинг шакллантирилиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бу шароитлар жамиятнинг иқтисодӣ фаол қатламларига яратилган имкониятлар ва уларнинг фаолиятини чекловчи қоидалар, тамойиллар, метёрлар билан белгиланади. Жамият бойлигини янада ошириш мақсадида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг ўраб турган бизнес муҳитдан манфаатдорлиги нафақат уларга, балки бошқа жамият аъзолари учун ҳам маълум маънода наф келтиради.

Ижтимоӣ тизимларнинг самарадорлигини таъминлаш бевосита бошқарув механизмига боғлиқлиги инобатга олинмаган бўлса, унда бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш нақадар муҳимлигини таъкидлаш мумкин. Мамлакатимизда иқтисодӣ ислохотларнинг негизи сифатида амалга оширилаётган мулкӣ муносабатларнинг шаклланиши республикада бизнес муҳитнинг ривожланишига зарурий тўртки бўлиб келмоқда. Натижада, Ўзбекистонда 2001 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулот ҳажмида давлат секторининг улуши 25,8 фоиздан 2006 йилга 20, 7 фоизга камайиб, корпоратив секторнинг улуши эса мос равишда 21,3 фоиздан 34 фоизга кўпайган (1-жадвал). Бу, ўз навбатида, корпоратив сектор учун қулай бизнес муҳитнинг яратилаётганлигидан далолат беради.

Бошқарув фаолияти меҳнатнинг ижтимоӣ тавсифидан келиб чиққани учун ҳам уни ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг зарурий қисми деб қарашади. Аммо бошқарув фаолияти ўз олдига фойда кўриш, капитални ошириш

¹⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2006. – б. 643.

¹⁵ Краткий экономический словарь/ Под ред. А.Н. Азриляна. – 2-е изд. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 2002. – с. 1088

¹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2006. – б. 663-664.

¹⁷ Экономический словарь/ Е.Г. Багудина, А.К. Большаков и др., отв. ред. А.И. Архипов.–М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – с. 624

мақсадини қўйса, унда у бизнесга айланади. Шу ўринда капитални кўпайтириш мақсади бизнес ва бошқарувнинг умумий вазифаси экан, унда бизнеснинг самарали бошқарув тузилмаси сифатида тан олинаётган акциядорлик жамияти, ҳамда бошқарувнинг инсоният тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда мукаммаллашган кўриниши – корпоратив бошқарув маълум бир шарт-шароитлар чегарасида бизнес муҳитнинг ташкил этувчилари саналади деган ғояни илгари суриш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий чегараларнинг шаффофлашиб бориши шароитида бизнесни бошқаришда энг самарали бошқарув механизмларидан фойдаланишга бўлган талаб иқтисодиёти турли ривожланиш даражасида бўлган мамлакатлар учун ошиб бормоқда.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотнинг
2001-2006 йиллардаги динамикаси**

Мулкчилик турлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
		2001	2002	2003	2004	2005	2006
Ялпи ички маҳсулот ҳажми	млрд. сўм	4925,3	7450,2	9837,8	12189,5	15923,4	20759,3
шу жумладан:							
а) Давлат корхоналари улуши	млрд. сўм	1270,7	1907,2	2351,2	2949,8	3471,3	4297,1
фоизда		25,8	25,6	23,9	24,2	21,8	20,7
б) Акциядорлик жамиятлари улуши	млрд. сўм	1049,1	1750,8	2587,3	3681,3	5159,2	7058,1
фоизда		21,3	23,5	26,3	30,2	32,4	34,0
в) Кичик бизнес ва хусусий субъектлар улуши	млрд. сўм	1674,6	2607,5	3492,4	4339,4	6082,7	8739,6
фоизда		34,0	35,0	35,5	35,6	38,2	42,1

Манба: «Ўздавстатқўм» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Бошқарув ҳақидаги фан соҳасининг ривожланишида, нисбатан янги ҳисобланувчи «корпоратив бошқарув» фани шаклланиши ва унинг ривожланишидаги ўзига хос жиҳатлар кенг тадқиқотчилар оммасининг изланишлари предметига айланиб улгурган. Ҳозирги кунда корпоратив бошқарув механизми ва унинг мамлакатда шаклланган бизнес муҳитга таъсирини ўз ичига олувчи маълум бир назарий қарашлар мавжуд бўлиб, уларни ягона тизим ҳолатига келтириш ва ундан фанда фойдаланиш вазифаси ушбу тадқиқот доирасида амалга оширилди.

Диссертацияда етук олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида корпоратив бошқарувнинг қуйидаги кўринишдаги таърифи асосланди:

Корпоратив бошқарув – бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда

бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.

Бизнинг фикримизча, корпоратив муносабатларга корпоратив мулкни мулкдорларнинг бевосита назоратидан узоқлаштирилиши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга оид барча қонунлар, меъёрлар, низомлар, тадбирлар ва тартиблар қаратилган бўлиб, уларнинг ёрдамида корпоратив тузилмаларни самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий манфаатдор шахсларнинг манфаатларини бирлаштириш учун ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Шулардан келиб чиқиб, корпоратив бошқарув механизмига қуйидагича таъриф бериш мумкин: корпоратив бошқарув механизми – бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуасидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, корпоратив бошқарув механизмининг ўзига хос хусусиятлари мамлакатда шаклланган бизнес муҳитга таъсир этганидек, бизнес муҳит ҳам, ўз навбатида, мавжуд корпоратив бошқарув механизмига таъсир этади. Бу ўзаро боғлиқлик ўтиш даврида бўлган мамлакатлар иқтисодий тизимларида яққол намоён бўлади, чунки айнан ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар иқтисодиётида бизнес муҳит ва корпоратив бошқарув механизми шаклланиш ва ривожланиш жараёнида бўлади. Бу ҳолатнинг мавжудлиги корпоратив бошқарув механизмини бизнес муҳитга жорий этишни такомиллаштиришда ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш имкониятини яратди.

Корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари бизнес муҳитнинг шаклланиши ва унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Одатда, уларга жамиятда яратилган институционал тузилмалар фаолияти натижаси сифатида қаралиши мумкин. Корпоратив бошқарувнинг меъёрий асослари сифатида тамойиллар, қоидалар, кодекслар, кадриятлар ва удумлар назарда тутилади.

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари фаолиятида замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш мақсадида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган¹⁸. Республикада рақобатбардош бизнес муҳитни шакллантириш, ҳамда корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни янада такомиллаштириш жараёнига Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармон ва қарорлари¹⁹ асос солди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизimini такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-3366-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги «Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» ПҚ-424-сонли Қарори
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қозғалар бозорини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-475-сонли Қарори

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3202-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Диссертацияда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида бизнес муҳитнинг ривожланиши таъминловчи корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштиришда манфаатлар қарама-қаршилигини баргараф этишга қаратилган қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим деб ҳисоблаймиз: жамият бошқарув органлари таркибидаги шахслар ўз манфаатлари бўйича қарама-қаршилик мавжуд бўлган масалалар муҳокамасида овоз беришдан маҳрум қилиниши; жамият бошқарув органлари таркибидаги шахслар ўзининг бевосита ёки билвосита манфаатлари моҳияти ва даражасини ошқор этиши шартлиги; лавозимини йўқотиш ёки компаниянинг бошқа компания томонидан қўшиб олинishi ҳолларида жамият бошқарув органлари таркибига кирган шахсларга тўлов мажбуриятлари устидан қатъий назорат юритиш; инсайдерлик ахборотига эга бўлиш имконияти бўлган ҳолларда келишувларни амалга оширишни чеклаш.

Бизнес муҳитнинг ривожланишида корпоратив бошқарув механизмининг асосий элементларидан бири бўлган корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки бу муносабатларда бир неча манфаатли томонлар иштирок этади. Бизнес жараёни иштирокчиларининг манфаатларини уйғунлаштириш эса илмий нуқтаи назардан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар жумласига киради.

Диссертация вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот доирасида ўрганилган турли назариялар ичида ҳали мамлакатимиз олимлари томонидан чуқур тадқиқ этилмаган «Манфаатлар назарияси» деб аталувчи назариянинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинди. Икки назария – манфаатлар назарияси ва давлат бошқаруви назарияларини муросага келтирувчи, яъни корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилишда томонлар манфаатларини уйғунлаштириш имкониятини берувчи модель изланди. Бунда на манфаатлар назарияси, на давлат бошқаруви назариясига устуңлик берилмаслик зарурияти тамойилига амал қилинди. Бизнеснинг фикримизча, ушбу ҳолатда акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини берувчи бошқарув тузилмасини сақлаб қолган компанияларда амалга оширилган стратегиялар барча томонлар манфаатини тўлалигича таъминлаши мумкин.

Диссертациянинг «Корпоратив бошқарув механизми ва бизнес муҳитининг шаклланиш асослари» деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистон бизнес муҳитининг шаклланишига ретроспектив тарзда ёндашиб, бизнес муҳитнинг шаклланиши даврларга бўлиб ўрганиб чиқилди. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш босқичлари таҳлил қилиниб, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Хориж амалиётидаги корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларига баҳо берилди.

Бизнес муҳитининг шаклланиши ва унинг ривожланиши жамият тараққиёти давомида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлар ривожланишига боғлиқ жараён ҳисобланади. Кишилиқ жамиятининг тараққиёти ижтимоий муносабатларнинг оддийликдан мураккабликка томон ўзгариши билан тавсифлангани сабабли бизнес муҳитнинг ҳам вақт ўтиши билан мураккаблашиб бораётганлиги тадқиқотда аниқланди.

Ўзбекистонда бизнес муҳитнинг шаклланиши ва ривожланишини шартли равишда олти даврга бўлиб ўрганиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Бизнес муҳитнинг шаклланиш bosқичлари

Бosқичлар	Даврлар	Номланиши	Белгилари
I	VII аср боши – XIV аср охири	Ислom давлати давридаги бизнес муҳит	Хусусий мулк устунилиги, шариат асосидаги шерикчилик
II	XIV аср охири – XVI аср боши	Темурийлар давридаги бизнес муҳит	Кучли давлат таъсиридаги пайдо бўлган қисман давлат мулки, хусусий мулк ва шариат асосидаги шерикчилик
III	XVI аср боши – XIX асрнинг иккинчи ярми	Темурийлар давлатининг таназзули ва Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинишигача бўлган давр	Уйда ишлайдиган деҳқон хунарамдчилигига асосланган марказлашган, шунингдек, асосан тарқок ҳолдаги мануфактураларнинг кургаклари. Ушбу давр бизнес муҳитида фаолият юритган цехлар ва устахоналарнинг деярли барчаси хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, уларнинг аксарияти оилавий капиталнинг бирлаштирилиши оқибагида шакллантириб борилган. Шариат асосидаги шерикчилик амалда бўлган
IV	XIX асрнинг иккинчи ярми – 1917 йил	Мустамлака мақомида бўлган Туркистон ва Марказий Осиёнинг бошқа хонлиқларидаги бизнес муҳити	Корпоратив бошқарув белгиларини ўзида мужассам этган тadbиркорлик тузилмаларининг вужудга келиши, кооперация ҳаракатининг ўрни сезиларли бўлган
V	1917 йил – 1991 йил	Режални совет иқтисодиётининг бир қисми сифатидаги бизнес муҳит	Режални иқтисодиётга асосланиб, ишлаб чиқариш ва уни бошқаришнинг марказлашуви асосида ривожланган
VI	1991 йил – ҳозирги давргача	Ўзбекистон Республикасининг ўз истиклолига эришиб, бозор тамойиллари асосида ривожланиши давридаги бизнес муҳит	Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали корпоратив бошқарувнинг шаклланиши

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Биринчи давр – Марказий Осиё қадимги давлатларида амалда бўлган ислом шариати қондаларига асосланган хўжалик юритиш тизимининг шаклланиши билан тавсифланиши мумкин; иккинчи давр – теурийлар даврида амалда бўлган бизнес муҳит; учинчи давр – теурийлар давлатининг таназзули ва Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиншигача бўлган даврни ўз ичига олади; тўртинчи давр – мустамлака мақомида бўлган Туркистон ва Марказий Осиёнинг бошқа хонликларидаги бизнес муҳит; бешинчи давр – режали совет даври иқтисодиётининг таркибий қисми сифатидаги бизнес муҳит; олтинчи давр – бозор тамойилларига асосланган даврдаги бизнес муҳит.

Юқорида келтирилган ретроспектив таҳлил натижасида куйидаги хулосага келиш мумкин: Ўзбекистонда бизнес муҳит ривожланишининг барча босқичларида хўжалик юритишнинг турли шакллари тараққий этиб, бозор муносабати тараққиёти даражаси билан корпоратив тузилмалар фаолиятининг шаклланиш хусусиятлари ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд бўлганлиги аниқланди.

Мамлакатимиз бизнес муҳити ва корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонун²⁰ ўзига хос туртки бўлди.

Тадқиқотда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиш босқичлари таснифланиб, уларнинг белгилари, натижалари ва ривожланиш истикболлари асослаб берилди (3-жадвал).

Демак, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши корпоратив бошқарувнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан бошланиб, ҳозирги кунда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришни ўз ичига олмақда. Бу ривожланиш мамлакатда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнлари босқичлари билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилганлигидан далолат бериб турибди.

Корпоратив бошқарув тизимлари фаолиятининг хориж тажрибасини тадқиқ этиш жараёни куйидаги хулосаларни кайд этиш имкониятини берди. Жаҳонда мавжуд корпоратив бошқарув моделларидаги фаркланиш муайян давлатнинг иқтисодий сиёсати шаклланишидан келиб чиқади. Корпоратив бошқарув моделининг кенг тарқалиши омилларида бири сифатида модель пайдо бўлган мамлакатнинг геосиёсий мавқеи ва унинг бошқа мамлакатларга таъсир этиш даражасини келтириш мумкин.

Моделларнинг ичида самаралисини танлашга уриниш мунозарали машғулотлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки ҳар бир модель мамлакатнинг менталитети, мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда қаралиши керак. Бинобарин, ушбу моделлар бир-бирини инкор этмаслигини ҳам таъкидлаш лозимки, уларнинг аралашмаси сифатидаги моделларнинг мавжудлиги буни исботлаб турибди. Бу ҳилдаги аралаш моделлар иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар тажрибасида ўз аксини топмақда.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни, 1990 йил 31 октябр.

Корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш давлари

Боскичлар	Оралик даврлари	Номланиши	Белгилари	Натижалар
Биринчи	1990-1992 йиллар	Асосларни шакллантириш	Мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди	Корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини яратиш бўйича изланишлар
Иккинчи	1993-1995 йиллар	Мулкий муносабатларни ислох этиш	Дастлабки акциядорлик жамиятлари ҳамда кичик ва хусусий корхоналар вужудга келтирилди	Корпоратив бошқарув амалиёти корпоратив бошқарув элементларининг вужудга келишини таъминлади
Учинчи	1996-2002 йиллар	Корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши	«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг тўлақонли шаклланиши ҳал қилувчи боскичга кирди	Корпоратив бошқарув ҳақида жамиятда тасаввур пайдо бўлди, мулкдорлар синфи шаклланиши фаоллашди, бизнес ривожланишида корпоратив тузилмаларнинг аҳамияти ошди
Тўртинчи	2003-ҳозиргача	Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ундан кейинги меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга замин яратди	Давлатнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларининг натижалари яққол кўрилди. Акциядорлик жамиятлари йириклаштирилди, Кузатув кенгаши ваколатлари кенгайтирилди, корпоратив маслаҳатчи, аудитор хизмати институтлари жорий этилди ва ҳ.к.

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Диссертациянинг «Бизнес муҳитнинг ривожланишида корпоратив муносабатларни таъминлашнинг концептуал асослари» деб номланган учинчи боби бизнес муҳит ва корпоратив тузилмаларни бошқариш самарадорлиги ўртасидаги боғланишни баҳолаш услубиётига бағишланиб, унда корпоратив бошқарув амалиётига рейтинглаш усули бизнес муҳит ва корхонани бошқариш самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолашнинг энг мақбул усулларида бири эканлиги исботлаб берилган.

Ушбу бобда корпоратив муносабатлар субъектларининг манфаатдорлик нуктаи назаридан таснифини очиб бериш, корпоратив тизимга асосланган бошқарув механизми ва унинг самарали таркибини танлаш услубиётини ўрганиш натижасида корпоратив бошқарув механизми компания фаолияти ва уни бошқариш тизимининг очиклиги, акциядорлар томонидан менежмент фаолияти устидан назорат, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш, Кузатов кенгаши фаолиятига жалб этилган мутахассисларнинг жамиятни бошқаришда қатнашиши каби корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришни таъминлашлари керак деган хулосага келинган.

Корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро алоқалари турлича бўлиб, уларнинг манфаатларида ўзаро мос тушмайдиган жиҳатлар ҳам анчагина. Мазкур тадқиқот доирасида республикамызда фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари менежерлари, акциядорлари, таъминотчилари ўртасида корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг акциядорлик жамияти менежменти ва мулкдорлари (акциядорлари) билан алоқадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган сўровномалар натижасига кўра (4-жадвал) корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг деярли ҳаммаси акциядорлик жамияти менежменти билан юқори алоқадорликка эга эканлиги маълум бўлди. Бу эса, ўз навбатида, менежментнинг ўз манфаатларини амалга оширишда мулкдорлардан устуңлигини таъминлайди.

4-жадвал

Корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро алоқадорлик даражасининг таснифи

т/р	Корпоратив муносабатлар иштирокчилари	Корпоратив тузилма менежменти билан алоқадорлик даражаси	Корпоратив тузилма мулкдорлари билан алоқадорлик даражаси
1.	Бошқарувчилар (менежмент)	-	ўрта
2.	Акциядорлар	ўрта	-
3.	Кредиторлар	юқори	паст
4.	Ходимлар	юқори	паст
5.	Реестр сакловчи	юқори	ўрта
6.	Ҳамкорлар	юқори	паст
7.	Ҳокимият органлари	юқори	паст

Мабна: Ўтказилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мазкур тадқиқот доирасида амалга оширилган сўровномаларда аниқланган корпоратив муносабатларнинг ушбу таснифи агентлик муаммосининг нақадар жиддий эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам корпоратив бошқарувнинг тўғри қурилган механизми орқали манфаатлардаги хилма-хилликнинг жамият фаолиятига эҳтимолий салбий таъсирини имкон қадар пасайтириш лозим бўлади. Мамлакатда самарали бизнес муҳитни шакллантириш эса капитал эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини корпоратив ҳамжамиятнинг бошқа иштирокчилари манфаатларига зиён етказмай туриб ҳимоя қилишни назарда тутати. Демак, корпоратив муносабатларнинг таснифий шарҳи олдинги бобда таъкидлаб ўтилган илмий тавсияларнинг нақадар ўринли эканлигини яна бир бор асослаб бермоқда, яъни акциядорлик жамияти

менежменти ва мулкдорлари манфаатларини уйғунлаштиришда бошқарувчиларнинг мавжуд амалиётдаги устуңлигини инобатга олган ҳолда акциядорларнинг манфаатларини химоя қилувчи меъёрий ҳужожаглар (корпоратив кодекс, корпоратив маслаҳатчи ҳақидаги низом ва х.к.) базасини такомиллаштириш хозирги кун талабидир.

Ушбу тадкикот мақсадининг негизини ташкил этувчи бошқарув категориясининг мазмуни бизнес муҳит деб аталувчи маконда корхона хўжалик фаолиятининг мақсадлари тизимига эришиш ва пировард натижа сифатида даромад (тадбиркорлик даромади) олишга йўналтирилган. Бошқарувнинг алоҳида тури ҳисобланган профессионал бошқарув фаолият йўналиши муайян объект - ташкилотнинг хўжалик фаолияти ёки унинг аниқ соҳасига (ишлаб чиқариш, сотиш, молия ва х.к.) йўналтирилган профессионал бошқарувчи (менежер) бўлишини такозо этади. Демак, корпоратив бошқарувнинг мазмун-моҳияти бошқарув субъектининг мақсадли фаолияти жараёнида муайян объектларга таъсир этиш усулларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишида намён бўлади.

Фикримизча, шу ўринда «бошқарув» ва «раҳбарлик» тушунчаларини бири-бирдан фарқлаш лозимдир. «Раҳбарлик» тушунчаси «бошқарув» тушунчасидан торроқ маънони англатади, чунки у муайян гуруҳга кирадиган кенг ижтимоий бирлик доирасидаги ҳуқуқий ваколатлар ва меъёрлар асосида ижтимоий назорат ва ҳокимият тизимида ўзига хос воситачи вазифасини бажараётган раҳбар томонидан амалга ошириладиган бошқарув жараёнини англатади.

Мамлакат иқтисодиёти бизнес муҳитни ривожлантиришда иштирок этаётган корхоналар фаолиятининг ривожланиши натижасида тараккий этиб боради. Шунинг учун бизнес муҳитнинг муваффақиятли ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади (1-расм).

Корпоратив бошқарув механизмининг таркибий тузилиши



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

1-расм

Турли мамлакатлар бизнес муҳитининг ҳолатини таққослашда ушбу мамлакатларда жорий этилган корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини солиштириш муаммоли масала бўлганлиги учун аксарият ҳолларда мамлакатлар иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар даражасини ўзаро солиштириш билан чекланиб қолинади. Чунки мамлакатлар ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари уларда қўлланувчи бошқарув усулларида ташқари мазкур давлат аҳолисининг менталитетидан келиб чиқади.

Бизнес муҳитнинг ривожланиши доирасида фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарувининг самарали тизимини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки алоҳида олинган акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув амалиётининг ҳолати охир-оқибатда мамлакатда муваффақиятли бизнес муҳитнинг янада ривожланишига олиб келади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан корпоратив қонунчилик асосларини яратиш бўйича катор ишлар амалга оширилди. Корпоратив бошқарув муносабатларининг ривожланишига асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, корпоратив бошқарувнинг институционал асослари яратилди. Аммо республика фонд бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва шу билан боғлиқ равишда қўпчилик корхоналарда зарур ахборотларнинг ёпиқлиги, олий бошқарувчилар томонидан корпоратив ҳулқ қондаларининг инкор қилинаётганлиги ва шу каби муаммолар инвесторларнинг ишончсизлигига ва оқибатда инвестицион капитал тақчиллигига олиб келмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, инвесторлар акциядорлик жамиятлари ички хатарини инobatга олиш имкониятига эга бўлишлари учун ушбу жамиятдаги корпоратив бошқарув даражасини баҳолашни шакллантирувчи услубиёт яратилиши лозимлиги аниқланди. Амалиётга корпоратив бошқарув рейтингини жорий этиш салоҳиятли инвесторларга нисбатан аниқроқ ва ишончлироқ ахборотларни олиш имкониятини беради, яъни инвестициялашнинг ишонччилигини оширади. Қайд этиш жоизки, ҳозирда халқаро амалиётда мавжуд бўлган корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш рейтингларини тузиш усуллари Ўзбекистон корпоратив қонунчилиги ва амалиётига унчалик тўғри келмайди.

Фикримизча, Ўзбекистонда мавжуд акциядорлик жамиятлари фаолиятига инвестицияларни киритиш бўйича ёндашувлар қуйидагиларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

- жамият ички ҳолатини ҳужжатлар асосида диққат билан ўрганиш;
- бошқарув органларини шакллантириш ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили;
- муҳим корпоратив қарорларни қабул қилиш технологиясини аниқлаш;
- мансабдор шахслар масъулиятини аниқлаш;
- корхонанинг давлат ва бизнес муҳит иштирокчилари билан муносабатлари.

Мазкур тадқиқот доирасида корпоратив бошқарув рейтингларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар уч йўналишда амалга оширилди. Энг аввало,

муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув маркази олимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган корпоратив бошқарувнинг миллий рейтинги тизими таҳлил этилди. Акциядорлик жамиятининг ахборотлар очиклигига асосланган хўжалик-молиявий кўрсаткичларига таянган ҳолда рейтинглаш имкониятини берувчи услубларни янада ривожлантириш асосида Ўзбекистонда фаолият юритаётган бизнеснинг турли йўналишларига мансуб бўлган акциядорлик жамиятлари ва компанияларини рейтингли баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилди.

Корпоратив бошқарувни рейтингли баҳолаш усулининг мақсади бошқарув жорий стандартларининг мавжуд оптимал моделларига нисбатан солиштирма таҳлилни амалга ошириш ҳисобланади. Корпоратив тузилмаларнинг инвестициявий жозибadorлигига таъсир этувчи кредит рейтингидан фарқли ўларок корпоратив бошқарув рейтинги бизнес муҳитдаги корпоратив бошқарув сифатини тавсифлайди.

Диссертациянинг «Корпоратив бошқарув тамойилларининг бизнес муҳитни ривожлантиришга таъсирини баҳолаш механизмлари» деб номланган тўртинчи бобда корпоратив бошқарувнинг мамлакат макроиктисодий ўсишидаги ўрнига баҳо берилиб, корпоратив бошқарув тамойиллари ёрдамида бизнес муҳитнинг ривожланишини таъминлаш асослари таҳлил этилди. Давлатнинг корпоратив сектордаги иштироки, унинг корпоратив бошқарув тизими шаклланишидаги аҳамияти шарҳланди, корпоратив ихтилофлар ва уларни бартараф этишнинг илмий асосланган услублари ишлаб чиқилди.

Тахлилий материалларнинг асосини корпоратив бошқарув соҳасида республика ҳукумати ва миллий компаниялар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, соҳадаги муаммолар ва уларни ечимини топиш билан боғлиқ монографик тадқиқотлар ташкил этади. Фикримизча, бунда энг асосий масалаларни қуйидаги тамойиллар асосида ёритиш лозим бўлади:

Биринчидан, корпоратив бошқарув соҳасида компаниялар, инвесторлар ва турли поғонадаги давлат бошқаруви органларининг фаол ва ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари, пировард натижада, республика иктисодиётининг янада ривожланиши ва глобал иктисодиёт билан интеграллашувининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.


Иккинчидан, фонд бозори фаолиятини тўғри ташкил этиш ва ривожлантириш корпоратив бошқарувнинг илғор кўринишларини шаклланиши ва тарқалишига бевосита таъсир кўрсатади. Бундай бошқарувнинг таянч нуктаси бўлиб корпоратив бошқарув соҳасидаги давлат ва ишбилармон доираларнинг умумий кадриятлари ва вазифаларининг уйғун равишда шаклланиши хизмат қилади.

Учинчидан, корпоратив бошқарув нуктаи назаридан бозор интизомини мустаҳкамлаш, ахборотлар очиклигини кенгайтириш орқали бизнеснинг шаффофлигини ошириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солиш

ва ижтимоий масъулиятини оширишни ўз ичига олувчи барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш тамойили устувор саналади.

Сўнгги йилларда республика иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ўзгариши ҳамда мамлакат уй хўжалиги ва бизнеси ихтиёридаги жамғармалар ҳажмининг ўзгариши ўртасида сезиларли даражадаги фарқнинг мавжудлиги йирик бизнес капитализацияси учун ички имкониятларнинг нақадар кўплигини исботлаб турибди (2-расм).

Инвестиция ва жамғармалар ҳажмининг ЯИМга нисбатан ўзгариш суръатлари



Манба: Т.Шадыбаев, Р.Гулямов, Д.Сулонов. Фонд реконструкции и развития: сферы влияния. Журнал «Экономическое обозрение», № 11-12 (98-99) 2007


2-расм

Асосий макроиқтисодий кўрсаткич бўлмиш ЯИМнинг ўсишига иқтисодиётнинг устувор тармоқларини бир меъёра ривожланиши, экспортнинг ўсиши, маълум даражада ички ижтимоий барқарорликнинг сақланиши каби омиллар билан бир қаторда акциядорлик капиталига инвестицияларнинг кўпайиши ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз микёсида акциядорлик жамиятларининг ривожланиш кўрсаткичларининг ялпи ички маҳсулотга таъсири даражаси кўриб чиқилди (3-расм). Манتيкий-назарий жиҳатдан ушбу кўрсаткичлар ўзаро алоқадорликка эга. Бироқ ушбу илмий иш мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ЯИМнинг ўсишига акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсаткичларининг таъсирини баҳолаш учун аниқ статистик кўрсаткичлари орқали боғлиқликни ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

ЯИМ ва акциядорлик жамиятлари кўрсаткичларининг бир-бирига боғлиқлик даражасини топиш учун корреляцион таҳлилдан фойдаланамиз.

ЯИМ таркибида акциядорлик жамиятлари улушининг ўзгариши



Манба: «Ўздавстатқўм» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

3-расм

Даставвал корелляцион таҳлил 2001-2006 йиллар оралиғида жорий баҳолардаги ЯИМ ва акциядорлик жамиятларининг фаолият кўрсаткичлари устида олиб борилди (5-жадвал) ва қуйидаги регрессия тенгламасига эришилди:

$$Y = 10,38 x_1 + 5,67x_2 - 4116,88 ; r = 0,993$$

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларининг ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот (млрд.сўм)	4925,3	7450,2	9837,8	12189,5	15923,4	20759,3
Акциядорлик жамиятлари сони (фаолият юритаётган)	7210	7075	4447	2122	1938	2307
Устав фонди, млрд.сўм (X_1)	1617,4	1895,6	1993,6	2217,7	2787,3	2996,4
Ҳисобот даври соф фойдаси ёки зарари, + - (млрд.сўм) (X_2)	+17,6	+21,8	+252,0	+372,9	+464,3	+716,0

Манба: «Ўздавстатқўм» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Демак, корреляция коэффициенти 0,993 га тенг. Ялпи ички махсулот ва акциядорлик жамиятларининг устав фонди, ҳамда соф фойдалари орасида боғлиқлик даражаси жуда кучли эканлиги келтириб чиқарилган тенгламада ўз аксини топган. Бундан шундай хулоса чиқадики, мамлакатимизда ялпи ички махсулотнинг ошиши акциядорлик жамиятларининг устав фондлари ва соф фойдаларининг ошишига кучли боғланган.

Таҳлил этилаётган йиллардаги ЯИМнинг абсолют миқдорда ўсишини акциядорлик жамиятларининг устав фонди ва соф фойдаси ўсишига солиштирилганда ўртача таҳлил қилинаётган даврда (2001-2006 йиллар) мос равишда 10,38 ва 5,67 коэффициентларига тенг бўлган, яъни акциядорлик жамияти устав фондининг бир бирликка ошиши ЯИМнинг 10,38 бирликка, соф фойданинг бир бирликка ошиши эса ЯИМнинг 5,67 бирликка ошишига тўғри келган.

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали амалиётини жорий этиш республикада ва хорижда орттирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бу ўринда турли мамлакатлар вазирилари даражасида 1999 йил 26-27 майда БМТ қошидаги ИХРТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) Кенгашида имзоланган Корпоратив бошқарув тамойиллари асос сифатида хизмат қилиши мумкин бўлиб, мазкур тамойиллар, аввало, турли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ушбу соҳадаги ўз қонунчилигини баҳолаш ва такомиллаштириш учун қўлланма вазифасини ўтайди.

Давлат корпоратив тузилмалар устав жамғармаларида ўзига тегишли акция пакетларини сақлаб қолиб, бизнес муҳит иштирокчиси сифатида бир неча мақсадларни кўзлаши мумкин, хусусан:

- давлат бюджетининг солиқдан ташқари даромадларини ошириш;
- муҳофаза, ижтимоий-иқтисодий, экологик, жумладан, табиий монополияларни тартибга солиш каби умумдавлат вазифаларини бажаришда хўжалик жамиятларининг қатнашувини таъминлаш;
- давлат акция пакетларидан иқтисодиётнинг аниқ секторига инвестицияларни жалб қилиш усули сифатида фойдаланиш;
- иқтисодиётда институционал ўзгартиришларни амалга ошириш (корхоналарни, тармоқларни тузилмавий қайта ташкил қилиш, интеграциялашган корпоратив тузилмаларни яратиш);
- ишлаб чиқаришнинг ривожланишига шароит яратиш, хўжалик жамиятлари фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;
- давлатнинг акциялар пакетидан фойдаланиш ҳамда бошқарувчиликка жалб қилинаётган шахслар фаолияти устидан назоратни таъминлаш.

Давлатнинг бизнес муҳитда мулкдор сифатида қатнашиши бу нафақат, вақтинча тарзда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларгагина хос бўлмасдан, балки иқтисодиёти ривожланган етакчи давлатларда ҳам кенг тарқалган амалиётдир. Табиийки, ривожланиш тарихи хусусиятларидан келиб чиқиб ҳар бир давлатда давлат улушини бошқаришнинг турлича моделлари қўлланиб келинмоқда.

Давлатнинг инвестициявий активларини ишончли бошқарувга берилиши шарт-шароитлари ва ишончли бошқарувчиларнинг фаолият олиб бориш тартиботи тегишли меъёрий ҳужжатларда мустақкамланган бўлиб, бу борада айрим муаммолар ушбу фаолиятнинг самарадорлигини пасайтириши аниқланди.

Муаллифнинг тадқиқотлари натижалари асосида давлатнинг корпоратив сектордаги иштироки билан боғлиқ айрим муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

– ҳар бир ҳўжалик жамиятларининг устав жамғармаларида қатнашиш орқали амалга ошириладиган давлатнинг мақсадлари ва манфаатлари аниқ ифодаланмаган;

– ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги ноаниқликлар, хусусан, давлат вакили қайси масалаларда Давлат мулки қўмитаси билан олдиндан келишмасдан мустақил қарор қабул қила олиши аниқ эмас;

– давлат улуши сакланиб қолаётган ҳўжалик жамиятларининг мавжудлиги шароитида республикада ишончли бошқариш институти янги ташкил бўлаётгани сабабли малакали ва тажрибали ходимларнинг етишмаслиги;

– вазирлик, юқори ташкилотлар ва ҳўжалик бирлашмалари ходимларининг ўз вазифасидан ташқари корхоналарда давлатнинг вакили вазифасини ҳам бажариши;

– ишончли бошқарувчига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишида моддий манфаатдорликнинг етишмаслиги;

– корпоратив бошқарув асослари, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмаслик;

– давлат акция пакетлари бошқарувчилари фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш тизимидаги номукаммалчиликлар ва бошқалар.

Бизнесни жамоавий тарзда инвестициялаш механизмида давлатнинг инвестор сифатида қатнашуви муҳим аҳамиятга, қўп ҳолларда эса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Республика корхоналарида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш ташаббуси ҳам аслида давлат томонидан кўрсатилган эди. Акциядорлик жамиятларида мулкый муносабатларнинг ривожланиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, нисбатан жуда оз сонли акциядорлар гуруҳини истисно қилганда, аксарият акциядорлар пассив позицияда қолиб кетмоқдалар, ҳуқуқий билимларини оширишга уринмаётгирлар, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда безътиборлик қилмоқдалар. Бунинг оқибатида, республика корхоналарида корпоратив бошқарувни жорий қилиш юқи давлат улуши вакилларига тушмоқда ва ишнинг муваффақияти, авваламбор, корпоратив муносабатларнинг ушбу фаол гуруҳи фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра қайд этиш мумкинки, давлат ишончли вакилининг корпоратив хулқ ва ишбилармонлик маданияти кодексининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши давлат ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчилари фаолияти учун ҳозирги кунда зарурлиги аён бўлмоқда. Улар ушбу кодексга амал қилган ҳолда давлат улардан кутаётган равишда ўз феъл-атворларини назорат қилишлари мумкин бўлади ва келгусида республика

микёсида ишончли бошқарув фаолиятининг равнақи учун яхши андоза бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб «Давлат ишончли вакилининг хулқий кодекси» ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этиш учун ДМҚга тавсия қилинди. Унда вакилнинг лавозим вазифалари, уларни бажаришда касбий-этика ва корпоратив ахлоқ қондалари белгилаб берилган.

Маълумки, акциядорлик жамияти ва акциядор ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай баҳс ёки тортишув, жамият ва акциядор манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилик (манфаатлар ихтилофи) ўз моҳияти бўйича корпоратив ихтилофларни ташкил қилади.

Қуйидаги тадбирларни қўллаш асосида корпоратив ихтилофлар пайдо бўлишининг олдини олиш мумкин эканлиги диссертацияда очиб берилди:

– корпоратив бошқарув соҳасидаги қонун бузилишларига жавобгарликни қучайтириш;

– корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

– корпоратив бошқарув соҳасида давлатнинг тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;

– акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашлари ва Тафтиш комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш;

– хўжалик жамиятлари, корпоратив бошқарув ва назорат органлари аъзоларининг малакасини ошириш ишларини фаоллаштириш;

– корпоратив қонунчилик соҳасида прокуратура, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва давлатнинг иқтисодий тартибга солиш органлари ходимларининг билим савияларини ошириш.

Қайл этиш жоизки, республика ҳукумати томонидан маъқулланиши лозим бўлган «Корпоратив бошқарув» кодексининг қабул қилиниши корпоратив ихтилофларнинг олдини олишга ва бартараф қилишга катта ёрдам беради, акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатлари, акциядорлик жамиятларининг мулкӣ манфаатлари ва ишбилармонлик обрўси (жамиятдаги имиджи) тўлароқ химояланади ҳамда потенциал инвесторлар назарида миллий иқтисодиётга сармоя қўйишнинг истикболи янада ошади.

Халқаро миқёсда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодексларини таснифлаш жараёнида маълум бир хулосаларга келинди.

Биринчидан, иқтисодиётни ривожланган бир қанча мамлакатларда корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи бир неча асрларга тенг бўлишига қарамай, уларда корпоратив бошқарувнинг норасмӣ меъёрлари сўнги 20 йил ичида қабул қилинган ҳолос, чунки корпоратив меъёрларни қабул қилиш ва унга амал қилиш масаласи ўта нозикдир.

Шунинг учун ҳам, иккинчидан, турли хил номланувчи кодекслар ҳукумат ёки унга тегишли идоралар томонидан эмас, балки нодавлат тузилмалар ташаббуси ва иштирокида ишлаб чиқилган.

Учинчидан, бир мамлакатнинг ўзида бир неча кодекслар амалда бўлиши мумкин экан.

Юкоридаги мулоҳазалар корпоратив бошқарув кодексини қабул қилиш учун, энг аввало, мамлакат бизнес мухитининг етарли даражада ривожланиши лозимлигини кўрсатадиги. Ўзбекистон бизнес мухити ривожланишининг hozirgi шароитига мос келувчи корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш долзарб бўлганлиги учун ҳам мазкур тадқиқотда ушбу кодекснинг намунаси тавсия сифатида берилди.

Шулардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан «Корпоратив бошқарув» кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кодекста корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари, акциядорлик жамияти иштирокчиларининг бурчлари, ҳуқуқлари, бошқарув ва назорат тизими, инсайдерлик битимларини тузиш шартлари ва томонлар манфаатлари, корпоратив тузилманинг ахборот очиклиги тўғрисидаги қоидалар илмий асосда ишлаб чиқилган, ҳамда корпоратив тузилмалар томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

Корпоратив ихтилофларнинг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича фаолиятнинг самарадорлиги, авваламбор, уларнинг пайдо бўлишига шароит етилганда имкон қадар тезкорлик билан тўлиқ равишда ихтилофларнинг аниқланиши ва хавфли вазият юз берганда акциядорлик жамиятининг барча бошқарув органларининг мувофиқ ҳаракат қилишини назарда тутлади.


Шунинг учун, уларнинг пайдо бўла бошлаганлигини кузатиш вазифасини корпоратив бошқарув органларининг аъзоларидан айримларига юклаш табиийдир. Халқаро амалиётда корпоратив ихтилофларни аниқлаш ва кузатиб бориш ишини корпоратив котибга юклаш тавсия қилинади. Республикамиз шароитида бу вазифа ҳуқуқ қарорида тилга олинган корпоратив маслаҳатчининг фаолиятига кўпроқ хос бўлади.

Барча корпоратив бошқарув органлари ўз ваколати доирасида корпоратив ихтилофларни тартибга солиш бўйича фаолият олиб бориши керак. Бу масала асосан Кузатув кенгашига тааллуқли бўлиб, Кузатув кенгаши қошида бошқа қўмиталар қаторида корпоратив ихтилофларни кўриб чиқиб, зарур ечимни ишлаб чиқадиган махсус қўмита ташкил қилиниши керак. Қўмитанинг аниқ иш тартиби Кузатув кенгаши тасдиқлайдиган алоҳида Низом билан мустаҳкамланиши мумкин.

Корпоратив ихтилофни бартараф қилиш жараёнида жамият органларининг асосий вазифаси шундай ечимни топиши керакки, у бир вақтнинг ўзида қонуний ва асосланган бўлиши билан бирга, акциядорлик жамияти ва акциядорнинг манфаатларига тўғри келиши керак. Бунда ихтилоф иштирокчилари бўлган акциядорларни ихтилофни бартараф қилувчи ечимни топишга жалб қилиш керак.

Диссертациянинг «Бизнес мухитни ривожлантиришга корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида бизнес мухитни корпоратив муносабатлар орқали такомиллаштиришнинг концептуал асосларига таяниб, корпоратив бошқарувнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали бизнес мухитни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари илмий асосланди, Ўзбекистонда корпоратив назоратни такомиллаштириш асосларини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Корпоратив бошқарув моделларини тадқиқ этишда глобаллашув жараёнини бошидан кечириётган халқаро иқтисодий ҳамжамият томонидан тан олинган инглиз-америка, немис ва япон моделлари алоҳида таҳлил этилди²¹. Ушбу моделларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида етарли даражада мулоҳазалар юритилди. Шу билан бирга, мулкдорлар – акциядорлар ва уларнинг вакилларидан иборат бўлган Директорлар кенгаши ёки Кузатув кенгашининг акциядорлик жамияти бошқарувиغا таъсири нуктаи назаридан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги корпоратив тузилмалар учун янги моделлар ишлаб чиқилди. Бунда кузатув кенгашининг акциядорлик жамияти бошқарувиغا таъсири нуктаи назаридан келиб чиқиб «кузатилувчи», «бошқарилувчи» ва «йўналтирилувчи» корпоратив моделларни фарқлаш мумкин деган ғоя илгари сурилди. Корпоратив бошқарувнинг бу моделларини асослашда Ўзбекистон бизнес муҳитининг ривожланиш даражаси ва жорий корпоратив бошқарув амалиёти ҳолатидан келиб чиқилди (4-расм).



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

4-расм

Тадқиқот натижаларига асосланиб корпоратив инкирозларнинг олдини олиш учун менежерларни назорат қилишга асосланган бошқарилувчи моделдан воз кечиб, қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш имкониятини берувчи янги моделга ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда асосий мақсад, хатоларга йўл қўйиш эҳтимоллигини камайтириб, уларни бартараф этиш йўлларини кидиришдан иборатдир.

²¹ Галанов В. А. и др. Акционерное дело. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003 г. – 544 с.

Йўналтирувчи корпоратив муносабатларга ўтишдан олдин Кузатов кенгашининг жамият бошқарувидаги ролини қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Кенгаш қарор қабул қилиш жараёнида фаол ва самарали элементга айланиши талаб этилади. Бу мақсадга эришиш учун корпоратив бошқарувдаги ислохотларни ўтказишдан кўра Кузатов кенгашида айрим ўзгаришларни амалга ошириш самарали бўлади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари мамлакат ишбилармон доиралари томонидан мустақил Кузатов кенгаши аъзолари фаолиятини корпоратив бошқарувни яхшилашга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири сифатида баҳолаш лозимлигини кўрсатди. Шунингдек, уларнинг фаолиятига инвесторларнинг ҳам ишончи ортиб боришини кузатиш мумкин.

Республикада корпоратив бошқарувнинг янада ривожланиб бориши билан мустақил Кузатов кенгаши аъзолари фаолияти мос равишда касбий босқичга ўтиб боради. Албатта, бунда нодавлат институтлар фаолиятининг ривожланиши энг асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Акциядорлар, Кузатов кенгаши ва менежерларнинг ўзаро муносабатларини шакллантириш учун расмий муносабатларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Кузатов кенгашларида акциядорлар фикри ва бошқарув усулларини кузатиб борувчи корпоратив кўмиталарни тузиш тавсия этилади. Бундан ташқари, муҳим стратегияни амалга оширишдан олдин менежерларнинг акциядорлар билан маслаҳатлашувини меъёрий жиҳатдан белгилаб қўйиш керак.

Акциядорлик жамиятининг корпоратив стратегияси тизимли асосга эга бўлиб, капитал таркиби ва чикки корпоратив оқимлар кетма-кетлигини инобатга олиши керак. Ўз фаолиятини нисбатан самарали ташкил этиш истагидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув стратегиялари бозорни синчиклаб таҳлил этиш ва прогностлаш орқали менежерлар томонидан ишлаб чиқилиб, Кузатов кенгашига кўриб чиқиш учун ҳавола этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда, амалга оширилувчи молиявий-хўжалик фаолияти ва жамият корпоратив бошқаруви самарадорлигининг таҳлили, эҳтимолдаги хатарларни баҳолаш, албатта, малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан олиб борилади.

Бунда корпоратив бошқарув механизми ёрдамида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ҳал этишни акциядорлик жамияти Кузатов кенгаши ва менежменти ўртасида тўғри тақсимлай олиш муҳим аҳамията эга эканлигидан келиб чиқиб қуйидаги модель таклиф этилди (6-жадвал).

Ўзбекистонда рўйхатга олинган корпоратив корхоналар бўйича маълумотлар таҳлил этилганда уларни ташкил этишда икки анъана кўзга ташланади: тармок анъанаси, бунда корпоратив бирлашмага бир тармокқа хос бўлган технологик занжирга эга акциядорлик жамиятлари қиради, иккинчи анъана ҳудудий алоқадорлик анъанаси бўлиб, бунда турли технологик занжирга эга акциядорлик жамиятлари ҳудудий алоқадорлик нуктаи-назаридан бирлашишади.

Ушбу анъаналарни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин: корпоратив бирлашмалар ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини

муваффақиятли бошқариш учун ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш имкониятини берувчи ташкилий тузилмани танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6-жадвал

Корпоратив бошқарув механизми ёрдамида ҳал қилинувчи масалалар

Бошқарув органи	Бошқарув мақсади ва ўзаро муносабат механизмлари
Кузатув кенгаши	1.1. Корпоратив сиёсатнинг мақсади акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий натижаларига таъсирини ошириш. 1.2. Мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш орқали стратегик вазифаларни амалга ошириш имкониятини берувчи корпоратив механизмни шакллантириш. 1.3. Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини ўзида мужассам этган асосий кўрсаткичлар тизимини қўллаган ҳолда унинг ривожланиш натижаларини режалаштириш.
Акциядорлик жамияти ижроия органи (менежмент)	2.1. Мақсадли дастурларда кўзда тутилган натижавий кўрсаткичларга эришиш учун ижроия органи фаолиятининг самардорлигини ошириш. 2.2. Бошқарув органи фаолиятини бошқарилувчи бизнес тузилмалар иши самардорлигини таъминловчи меъёрлар асосида мувофиқлаштириш. 2.3. Ижроия органи фаолиятини Кузатув кенгашида фаолият юритувчи кўмиталар ёрдамида мувофиқлаштириш ва йўналтириш.

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Ўзбекистонда корпоратив назоратнинг мавжуд амалиётини таҳлил қилиш айрим ҳулосаларга олиб келди.

Аудитор ташкилотларининг акциядорлик жамиятларидаги фаолияти уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишга жалб қилинишининг асосий мақсади – акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасидан тамоман узилиб қолган. Аудиторлик ташкилотлари ўзларининг вазифасини, асосан, солиқ қонунчилиги, моддий ҳисоб ва шартнома муносабатлари бўйича талабларнинг бажарилишини текшириш билан чегаралаб, корпоратив аудитни деярли амалга оширмаётдилар. Бунга сабаб, айрим ҳолларда аудиторларнинг жамият менежментини молиявий қарамлиги бўлса, бошқа ҳолларда корпоратив аудит масалаларида уларнинг билими етишмаслигидир. Амалдаги қонунчиликка биноан аудиторлик текшируви нафақат молиявий ҳисоботларнинг ишончлигини текширибгина қолмасдан, балки ҳўжалик фаолиятининг қонуний олиб борилганлигига ҳам аҳамият бериши лозим. Масалан, корпоратив ҳуқуқ доирасида акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари акциядорлик жамияти учун меъёрий кучга эга. Бироқ, амалда аудиторлик текширувлари ҳўжалик фаолиятини мавжуд ички корпоратив андозаларга, хусусан, акциядорлар умумий йиғилишларининг қарорларига мос келиш-келмаслигига эътиборни қаратмаяптилар.

Акциядорлик жамиятларида бизнес-режанинг бажарилиши устидан назорат қилиш фаолиятдан аудиторлик ташкилотлари четда қолганлар. Корхонадаги умумий режалаштириш фаолиятининг асосий ўзаги бизнес-

режалаштириш бўлгани ва истикболли стратегик режалаштириш, авваламбор, жорий бизнес-режаларнинг бажарилишига таянгани учун, бизнес-режанинг бажарилиш интизоми устидан назорат вазибаларига биринчилар каторида аудиторлик ташкилотлари жалб қилиниши табиийдир. Бирок, амалда аудиторлик текширувлари ҳисобот йилида қилинган харажатлар таркиби бизнес-режада назарда тутилган харажатлар билан солиштирилмасдан ўтказилмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари пуллик хизмат кўрсатишади. Мос равишда иш бажарувчи сифатида мижоз олдида иш сифати учун моддий жавобгар бўлиши табиийдир. Айрим ҳолларда акциядорлик жамиятлари давлат идоралари томонидан ўтказилган режали текширувлардан сўнг йирик жарималар тўлашга мажбур бўлмоқда. Бирок бунда қонунбузарликлар аниқланган даврни илгари текшириб чиқиб ижобий хулоса берган аудиторлик ташкилотлари четда қолиб кетмоқда. Режали текширувлар натижасида қорхоналарга солинадиган жарималар бўйича аудиторлик ташкилотлари ҳам жавобгар бўлса, бу уларнинг ўз ишига масъулиятлироқ бўлишига мажбур қилар эди. Бу ўринда устав фондида давлат улуши бор бўлган корпоратив тузилмалардаги давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчилари қатъий туришлари керак бўлади.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив назоратнинг муҳим бўғини бу – тафтиш комиссиясидир. Бирок, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда (кейинги ўринларда «АЖ тўғрисида қонун») тафтиш комиссияларининг иш фаолияти, ваколат доираси ва масъулияти ёритилмаган. Ушбу қонуннинг 88-моддаси акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгаши аъзоларининг, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоларининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг жавобгарлигини назарда тутди. Бирок шу ҳолда ҳам тафтиш комиссияси аъзоларининг акциядорлар олдидаги жавобгарлиги назардан четда қолган.

Корпоратив назоратнинг яна бир механизми – акциядорларнинг компаниядаги вазиятни бевосита кузатиб бориши бўлиб, ушбу механизм лозим даражадаги ахборотларнинг очиклиги билан таъминланади. Бунда, зарур равшанликни ўрнатишга меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг ўрни муҳимдир. Шунинг учун, амалда мавжуд қонунчиликдаги айрим номувофикликларни қайта кўриб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда.

Бизнес муҳит иштирокчилари, жумладан, инвесторлар томонидан корпоратив назоратни амалга оширишда аффилиланган шахслар ҳақидаги ахборотнинг ошкор қилиниши муҳимдир. Акциядорлик жамияти тўғрисидаги қонуннинг бир неча моддаларида ушбу шахслар тилга олинган. Мазкур қонунда, ҳаттоки, алоҳида модда жамиятнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборотга бағишланган (109-модда). Ушбу моддада: «Шахс қонун ҳужжатларига мувофик аффилиланган деб ҳисобланади» деб ёзилган. Бирок, мазкур Қонуннинг бирон қисмида аффилиланган шахсга таъриф берилмаган. Бу

эса жойларда тушунмовчиликларга олиб келмоқда. Тўғри, кимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва бошқа манфаатдор давлат идоралари томонидан ишлаб чиқилган аффилиланган шахслар хусусида алоҳида Низом мавжуд²². Бироқ қонунда аффилиланган шахсларни аниқлаш ваколати бирон-бир алоҳида давлат органига берилмаган. Шунинг учун, аффилиланган шахсга Низомда берилган таъриф аслида ҳуқуқий кучга эга эмасдир.


Жаҳон амалиётида ҳолис рейтинг баҳолаш фаолияти кенг йўлга қўйилган. Даврий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориладиган рейтинглар инвесторлар учун улар манфаатдор бўлган компаниялар ҳақида жуда фойдали ахборот манбаи ролини ўтайти. Хориждаги молия бозорининг нуфузли қатнашчилари улар билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган ёки инвестициялардан умидвор бўлган компаниялар билан боғлиқ имкониятларни кўриб чиқар эканлар, авваламбор, рейтинг кўрсаткичлари билан танишишга ҳаракат қиладилар. Йирик рейтинг агентликларининг фикри аксарият инвесторлар учун қарор қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб қилмоқда. Афсуски, ушбу жараёнлардан миллий молия бозоримиз четда қолиб кетган. Масалан, ҳозир дунёда кенг расм бўла бошлаган Корпоратив бошқарув рейтингги. Ушбу рейтинг тизими компанияларда корпоратив бошқарув даражасини баҳолашга қаратилган бўлиб, ижобий баҳоланган компаниялар инвесторларнинг эътиборига сазовор бўлмоқдалар. Салбий рейтинг баҳолашиш эса потенциал инвесторларни корпоратив бошқарув амалиёти ёмон бўлган компаниялардан огоҳ қилади. Мазкур тадқиқот доирасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган рейтинглаш усуллари асосида республика акциядорлик жамиятларининг доимий равишда рейтингларини эълон қилиб бориш айни мудао бўлар эди.

Шунингдек, аудиторлик ташкилотларининг рейтингини ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, агар рейтинг баҳолашишида аудиторлик ташкилотлари текширган даврлари бўйича уларни ёллаган ташкилотлар кейинчалик давлат идоралари томонидан текширилгандан сўнг солинган жарималар миқдори инобатга олинса, сифатсиз текширувни ўтказган аудиторлик ташкилоти рейтинг рўйхатида қуйи ўринлардан жой олган бўлар эди. Ушбу амалиёт кенг тарқалган ҳолда акциядорлик жамиятлари мазкур аудиторлик ташкилотлари билан эҳтиёт бўлиб ҳамкорлик қилар эдилар. Демак, аудиторлик ташкилотларининг рейтингини йўлга қўйиш акциядорлик жамиятларини сифатсиз аудит оқибатидаги йирик жарималардан сақлаб қолиш ва республика миқёсида ижобий умумиқтисодий самара олинишига олиб келади.

²² «Аффилиланган шахслар, акциядорлик жамиятларида уларнинг ҳисобини юритиш ва улар ҳақида ахборотларни ошқор қилиш ҳақида Низом» Қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002-14-сон билан, Молия вазирлиги томонидан 131-сон билан, Монополияга қарши ва рақобатчиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 7-сон билан 2002 йил 20 ноябрдаги Қарор билан қабул қилинган ва Адлия вазирлиги томонидан 29.01.2003 йилда 1212-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон корпоратив бошқарув иштирокчиларининг ўзаро муносабатлар тизимига корпоратив назоратни яхшилаш нуктаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бунда давлатдан (унинг мисолида жамиятнинг ижтимоий институтлари) бошқа барча иштирокчиларни бизнес субъектлари сифатида қараш тавсия этилади. Бу илмий ёндашувни Ўзбекистон корпоратив бошқаруви модели сифатида тавсия этиш мумкин (5-расм).

Ўзбекистоннинг корпоратив бошқаруви модели



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

5-расм

Инвесторлар инвестицион қарор қабул қилишлари учун эмитентлар молиявий-хўжалик фаолияти ва бошқа аҳамиятли маълумотларни олиш имконини берадиган ягона маълумотлар базаси яратилиши керак. Иккинчи томондан, ягона маълумотлар базаси бўлганда акциядорлар эмитентга мурожаат қилмасдан ҳам ўзи эгаллик қилган акцияларни чиқарган компания ҳақида зарур маълумотларга ҳамда бошқа акциядорлик жамиятларидаги вазият билан солиштирган ҳолда ўз компаниясининг кучли ва заиф томонларини кўриш имкониятига эга бўлар эди.

Бундай базанинг яратилишидан, биринчи навбатда, қимматли қоғозлар бозорининг фаоллашишидан тўғридан тўғри манфаатдор бўлган республика фонд биржасини эътироф қилиш мумкин. Бунинг учун фонд биржаси эмитентлар олдида ахборот очикилиги бўйича қатъий талабларни қўйса, базани шакллантиришда зарур бўлган бундай маълумотларни акциядорлик жамиятларидан олинишига кўпроқ умид қилса бўлади.


Шулардан келиб чикиб, бизнес муҳитда корпоратив бошқарув ахборот базасининг алгоритмик тузилмаси, Кузатов кенгашини ахборот билан таъминлаш модели ва акциядорлик жамияти Кузатов кенгашининг ахборотлар базаси таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда бизнес муҳитнинг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсирини аниқлаш учун энг аввало, самарадорликни белгилловчи мезонлардан асосийси бўлган акциядорлик жамиятининг бизнес қийматини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари таҳлил этилди²³, булар:

- балансли баҳолаш усули;
- муқобил қийматни баҳолаш усули;
- бозор қийматини баҳолаш усули;
- истикболдаги соф пул оқимини баҳолаш усули;
- эксперт баҳолаш усули.

Тадқиқот натижалари асосида акциядорлик жамияти бизнес қийматини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди (6-расм).

Акциядорлик жамияти бизнес қийматини аниқлаш алгоритмлари



Манба: Муаллиф томонидан тузилган

6-расм

²³ Бланк И. А. Основы финансового менеджмента. Т. 2. – К.: «Ника-Центр», 1999 г. – 512 с.; Горбунов А. Р. Управление финансовыми потоками и реинжиниринг предприятий, банков и инвестиционных компаний. – М.: «ТОРА – ИнфоЦентр», 1998 г. – 198 с.

бунда: BK –акциядорлик жамиятининг бизнес киймати; HA_k –номоддий активларнинг қолдик киймати; TK –туғалланмаган капитал қўйилмалар ва ўрнатилмаган жиҳозлар киймати; Z_r –товар – моддий бойликлар захирасининг қолдик киймати; $CA_i - i$ – кўринишдаги моддий ёки номоддий активни тўлиқ тиклаш киймати; $EK_i - i$ – кўринишдаги моддий ёки номоддий активларнинг барча шаклдаги емирилиш киймати; MA –акциядорлик жамияти барча молиявий активларининг ялпи киймати; MM –молиявий мажбуриятлар киймати; AK – фонд бозорида муомалада бўлган акцияларнинг ўртача котировка даражаси; A_z – эмиссия қилинган акциялар сони; A_{co} – акциядорлик жамияти томонидан фонд бозорида эркин муомалада бўлган акцияларнинг сотиб олинган қисми (сони); CF –акциядорлик жамиятининг соф фойдаси; AA – акциядорлик жамияти активлари амортизация ажратмалари йиғиндиси; $KM_{сно}$ – акциядорлик жамияти соф пул окимининг (соф фойда ва амортизация ажратмалари йиғиндиси) капитализация меъёри; $A_{ос}$ – акциядорлик жамияти акциясининг жорий бозор баҳоси; D_a – акциядорлик жамиятининг битта акцияси келтирувчи йиллик даромад миқдори.

Акциянинг бозор баҳосини аниқлаш имконияти субъектив сабаблар оқибатида чекланган бизнес муҳит шароитида бизнес кийматини акциядорлик жамияти соф активлари йиғиндиси кўринишида бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса юқорида қайд этилган икки усул – балансли ва муқобил кийматни баҳолаш усуллари қўл келади. Бу икки усулнинг мамлакат бизнес муҳити шароитида корпоратив бошқарув самарасини аниқлаш жараёнидаги аҳамиятини алоҳида қайд этган ҳолда, фонд бозорида акциялари котировкаси изчил ўзгаришда бўлган айрим акциядорлик жамиятлари учун бизнес кийматини аниқлашнинг бозор усулларидан фойдаланиш маъқуллигини таъкидламоқчимиз.

Шу мақсадда акциядорлик жамиятининг бозор кийматини бевосита капиталлаштириш усули – соф пул окими усули бўйича аниқлаганда 6-расмда келтирилган ифода қуйидаги ҳолда такомиллаштирилди:

$$BK = \frac{CF \cdot 1}{1 + l - \beta}, \text{ сўм} \quad (1)$$

бунда: CF – акциядорлик жамиятининг соф фойдаси, сўм;

l – ўнлик каср кўринишида берилган қарз капитали фоиз ставкаси;

β – ўнлик каср кўринишида берилган акциядорлик жамияти фойдасининг узок муддатли ўсиш суръати.

Тадқиқотда мамлакат бизнес муҳитининг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсирини аниқлашда кўрсаткичларнинг даврий ўзгаришига асосланилди. Бунда акциядорлик жамияти бизнес кийматининг икки давр оралиғидаги ўзгариши корпоратив бошқарув самараси сифатида қаралди, яъни:

$$KB_c = (BK' - BK) \cdot \frac{1}{1 + n \cdot t}, \text{ сўм} \quad (2)$$

бунда: BK^* , BK – мос равишда ўрганилаётган давр охири ва бошидаги акциядорлик жамияти бизнес киймати, сўм;

n – ўрганилаётган даврдаги йиллар сони;

\bar{i} – ўнлик каср кўринишида берилган ўртача солиштирма дисконт ставкаси.

Ўртача солиштирма дисконт ставкасини аниқлаш учун акциядорлик жамияти соф фойдаси нисбий кўрсаткич сифатида қўлланилади:

$$\bar{i} = \frac{\sum i_j \cdot C\Phi_j}{\sum C\Phi_j} \quad (3)$$

бунда: i_j – акциядорлик жамиятининг j -йилга тўғри келувчи дисконт ставкаси;

$C\Phi_j$ – акциядорлик жамиятининг j -йилга тўғри келувчи соф фойдаси, сўм;

Демак, тадқиқот натижаларининг тизимлилигини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарув ва бизнес муҳитнинг ўзаро бир-бирига синергетик таъсири даражасини маълум бир кўрсаткичлар тизими ва мезонлар бўйича баҳолаш услубиётини келтириш долзарб бўлгани учун муаллиф томонидан асосий омиллар, кўрсаткичлар ва мезонлар тизими ишлаб чиқилди. Бунда акциядорлик жамиятларининг «Бизнес – киймати» иктисодий категорияси киритилиб, уни аниқлаш алгоритми ва мамлакат бизнес муҳитининг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсирини аниқлаш услубиёти яратилди.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда корпоратив муносабатларни шакллантириш ва уни мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб ривожлантириб бориш, корпоратив бошқарув механизмининг бизнес муҳитга таъсирини янада ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб, унинг илмий ва амалий жиҳатлари тизимли тарзда етарлича тадқиқ этилмаган. Корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларини Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий-иктисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда таъбиқ этишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва бизнес муҳитга корпоратив бошқарув механизмини жорий этиш йўлидаги изланишлар долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

2. Тадқиқотда «бизнес муҳит», «корпоратив бошқарув» ва «корпоратив бошқарув механизми» тушунчалари моҳиятини очишда муаллиф томонидан тизимли ёндошув амалга оширилди. Бунга қўра, бизнес муҳит – бу қонуний даромад олиш мақсадлари қўзланган фаолиятни юритишга имконият берувчи ижтимоий-иктисодий шароитлар мажмуи, корпоратив бошқарув – бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар, ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи, корпоратив бошқарув механизми – бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-

иктисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуасидир.

3. Олиб борилган монографик тадқиқотлар натижасида мамлакат бизнес муҳитидаги корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини уйғунлаштириш муҳим масала эканлиги ўз исботини топди. Ушбу тадқиқот доирасида илгаридан баҳс-мунозараларга асос бўлиб келаётган икки назария – манфаатлар назарияси ва давлат бошқаруви назарияларини муроасага келтирувчи, яъни корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилишда томонлар манфаатларини уйғунлаштириш имкониятини берувчи модель ишлаб чиқилди.

4. Ўзбекистонда бизнес муҳитининг шаклланишини шартли равишда олти даврга бўлиш мумкинлиги ушбу тадқиқотда асослаб берилди. Бунда бизнес муҳитининг ислом шариати қоидаларига асосланган хўжалик юритиш тизимидан Ўзбекистон Республикасининг ўз истиклолига эришиб бозор тамойиллари асосида ривожланишигача бўлган давр оралигидаги ўзига хос жиҳатлари илмий шарҳланди, бизнес муҳитининг оддийликдан мураккабликка қараб ўзгариш тенденцияси аниқланиб, мамлакатнинг иктисодий мустақилликка эришиши йўлида замонавий бошқарув механизмларининг аҳамияти илмий жиҳатдан тадқиқ этилди.

5. Корпоратив бошқарув механизми жамият фаолияти ва уни бошқариш тизимининг аниқлиги, акциядорлар томонидан менежерлар фаолияти устидан назорат, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш, Кузатув кенгаши аъзолари сифатидаги экспертларнинг жамиятни бошқаришда қатнашиши каби корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларининг бажарилишини таъминлаши керак. Мулкни бошқарувчи менежерлар устидан мулкдорларнинг назоратини таъминлаш, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, турли томонларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш имкониятини берувчи корпоратив бошқарув механизмнинг ишлаши қабул қилинган қонунчилик меъёрларига, ҳамда барча манфаатдор томонларнинг расмий ва норасмий келишувлари натижасида шакланган қоидалар, андозалар ва намуналарга, яъни мамлакатдаги бизнес муҳитга таяниши лозимлиги ушбу тадқиқотда асослаб берилди.

6. Тадқиқотда хорижда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодексларини тизимли ҳолатга келтириб ўрганиш натижасида иктисодиёти ривожланган бир қанча мамлакатларда корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи бир неча асрларга тенг бўлишига қарамай, уларда корпоратив бошқарувнинг норасмий меъёрлари сўнги йиллар ичида қабул қилинганлиги, турли хил номланувчи кодекслар ҳуқуқат ёки унга тегишли идоралар томонидан эмас, балки нодавлат тузилмалар ташаббуси ва иштирокида ишлаб чиқилганлиги, ҳамда бир мамлакатнинг ўзида бир неча кодекслар амалда бўлиши мумкинлиги аниқланди. Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилиш учун, энг аввало, мамлакат бизнес муҳити етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Мазкур тадқиқотда ушбу кодекснинг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

7. Тадқиқот натижаларига асосан корпоратив бошқарув амалиётини рейтинг баҳолаш усули бизнес муҳит билан корхонани бошқариш

самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолашнинг энг мақбул усулларидан эканлиги илмий асосланди. Инвесторлар корпоратив тузилмаларнинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар билан старли даражада танишиш мумкин бўлмаган ҳолларда доимий рейтингларни эълон қилиб бориш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Ўзбекистонда кўпчилик акциядорлик жамиятлари акцияларининг қимматли қоғозлар бозорида айланмаслиги сабабли уларни акциялар бозор қийматининг ўсиши бўйича баҳолаб бўлмаслиги эътироф этилиб, Ўзбекистонда фаолият юритаётган, бизнеснинг турли йўналишларига мансуб бўлган акциядорлик жамиятлари ва компанияларининг рейтингларини аниқлаш услугиёти ишлаб чиқилди.

8. Корпоратив бошқарувнинг маълум бир корпоратив тузилмалар шарт-шароитларига мос келувчи механизмини танлаш орқали ушбу тузилманинг бозордаги барқарорлигини таъминлаш мумкинлиги диссертацияда асослаб берилди. Давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашиши нафақат, бозор иктисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларгагина хос бўлмасдан, балки ривожланган бозор иктисодиётига эга етакчи давлатларда ҳам кенг тарқалган доимий амалиёт эканлиги монографик тадқиқотлар натижаси сифатида таъкидлаб ўтилди.

9. Тадқиқотда корпоратив бошқарув ва бизнес муҳитнинг ўзаро бирига боғлиқлигини маълум бир кўрсаткичлар ва мезонлар тизими бўйича баҳолаш услугиётини ишлаб чиқиш долзарб бўлганлиги учун корпоратив тузилмаларнинг бизнес қийматини аниқлаш алгоритми ва мамлакат бизнес муҳитининг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсирини аниқлаш услугиёти ишлаб чиқилди.

Фикримизча, диссертациядаги тадқиқот натижалари ва тавсиялар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмининг бизнес муҳитга таъсирини такомиллаштиришдаги методологик асосларни яратди.

Тадқиқот натижалари ва хулосалардан келиб чиқиб бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат акциядорлик жамиятларида Кузатов кенгаши фаолиятини юритиш механизмини такомиллаштириш корпоратив бошқарувнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланиб, инвестицияларни жалб этишга ва бизнес муҳитнинг яхшиланишига кенг имкониятлар очиб беради. Бунга эришиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: акциядорлик жамиятлари Низомларига бошқарувнинг таркиби бўйича ўзгартириш киритиш орқали Кузатов кенгаши ролини ошириш ва унинг аъзолари самарали ишлашини таъминловчи механизмини яратиш; корпоратив бошқарув муаммоларига ихтисослашган нодавлат институтлар ва ташкилотлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда Кузатов кенгаши ва мустақил Кузатов кенгаши аъзолари фаолиятининг ижобий томонларини (илгор услугиётларини) амалиётга жорий этиш.

2. Кузатов кенгаши таркибида тузилиши мумкин бўлган мустақил маслаҳатчилар гуруҳи жамият менежменти билан биргаликда қайд этилган

йўналишлардан ташқари куйидаги соҳаларда бошқарув фаолиятини оптималлаштириши, айрим ҳолларда эса қайта кўриб чиқиши керак: бошқарув жараёнини ташкил этиш; молиявий режалаштириш; бошқарув ҳисоби; ҳужжатлар айланиши ва ҳисоботни ташкил этиш.

3. Бизнес қиймати корxonанинг фойда кўриш қобилиятини назарда тутар экан, замонавий бошқарув, жумладан корпоратив бошқарувнинг мақсади бизнеснинг қийматини доимий равишда ошириб боришдан иборат бўлиши керак.

Бизнеснинг қийматини ошириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади: бизнеснинг узок муддатли мақсадини шакллантириш, ҳамда бу мақсадларга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошира олиш; корпоратив муносабатлар тузилмасини, эгалик ва назорат тузилмасини яхшилаш; корпоратив бошқарув ва инвесторлар ҳуқуқини химоялаш жараёнларини такомиллаштириш, яъни корхонада қарор қабул қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, инвесторлар эса (йирик ва кичик) менежмент ишини назорат қилиш ва унга таъсир эта олиш имкониятига эга бўлиши; корxonанинг барчага хуш ёқувчи имиджи ва таникли брендини яратиш; корхона қимматли қоғозларининг ликвидлигини ҳамда молиялаш ва инвестициялашга очиклигини кенгайтиришни таъминлаш; инновацияларни тадбиқ этиш.

4. Тадқиқотда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун тизимлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш таклиф этилади ва бу таклиф куйидаги асосий тадбирларни амалга оширишни назарда тутати: корпоратив бирлашмалар таркибий тузилишини горизонтал корпоратив бошқарув тамойили талаблари доирасига мос келтириш лозим; молиявий ресурсларнинг ички тақсимотини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув ходимлари мотивациясини ошириш мақсадида акциядорлик жамияти бўлинмалари фаолият кўрсаткичларини баҳолаш тизимини яратиш лозим бўлади; Кузатув кенгаши фаолиятига жалб этилган мустақил Кузатув кенгаши аъзолари иш самарадорлигини ошириш мақсадида жамиятда бошқарув ҳисобининг замонавий услубларидан фойдаланишни жорий этиш зарур. Чунки айнан бошқарув ҳисобининг замонавий услублари асосланган стратегик қарорларни қабул қилишда зарур бўлган маълумотлар таҳлилини юритиш имкониятини яратди.

ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМІЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Монография ва журналларда чоп этилган мақолалар

1. М.Г.Алиев, Д.Х.Суюнов, М.Н.Равшанов. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув муаммолари. Монография. – Т.: Akademiya, 2006. -116 б.
2. Д.Х.Суюнов. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Akademiya, 2007. –319 б.

3. Д.Х.Суёнов, Ш.Г.Юлдашев. Қўшилган иктисодий қиймат – агентлик харажатларини тартибга солиш усули.//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. -№4. – 39-41 бетлар.
4. Д.Х.Суёнов, Ш.Г.Юлдашев. Корпоратив ташкилот учун бошқарув маслаҳатининг хусусиятлари.// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. -№6. – 51-54 бетлар.
5. Д.Х.Суёнов, О.К.Иминов. Иктисодиётни ислох этишда кичик бизнеснинг роли. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. -№7. – 53-55 бетлар.
6. Д.Х.Суёнов. Корпоратив менежмент.// Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2006. -№1. – 78-80 бетлар.
7. Д.Х.Суёнов. Корпоратив менежментга оид ёндашувлар ва моделлар. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. -№3. – 33-35 бетлар.
8. Д.Х.Суёнов. Корпоратив бошқарув тизими интеграцияси ва самарадорлиги. // Aloqa dunyosi. - Тошкент, 2006. -№1/6. – 16-20 бетлар.
9. Д.Х.Суёнов. Корпоратив маданият.// O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. -Тошкент, 2006. -№5. – 32 бет.
10. Д.Х.Суёнов. Корпоратив менежмент сифати ва унинг даромадга таъсири. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. -№8. – 46-48 бетлар.
11. Д.Х.Суёнов. Компания қийматини бошқариш.// O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. -Тошкент, 2006. -№12. – 4-5 бетлар.
12. Д.Х.Суёнов. Корпорацияни ривожлантириш стратегиялари.// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. -№12. – 60-62 бетлар.
13. Д.Х.Суёнов. Корхона корпоратив маданияти.// Agro ilm «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi» jurnali ilmiy ilovasi. - Тошкент, 2007. -№3, – 57 бет.
14. Д.Х.Суёнов. Корхона бошқарувида корпоратив ёндашув стратегиялари. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. -№5. – 36-38 бетлар.
15. Д.Х.Суёнов. Некоторые аспекты внедрения наилучшей практики корпоративного управления и соответствующей корпоративной культуры в акционерных обществах Узбекистана.// Экономика и финансы. -Москва, 2007. -№6. – с. 64-67.
16. Д.Х.Суёнов. Корпоратив бошқарувнинг ахборот жиҳатидан очиклиги асослари. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. -№10. – 22-23 бетлар.
17. Т.Шадьбаев, Р.Гулямов, Д.Х.Суёнов. Фонд реконструкции и развития: сферы влияния.// Экономическое обозрение. - Ташкент, 2007. -№11-12. – с.20-25.
18. Т.Шадьбаев, Р.Гулямов, Д.Х.Суёнов. Фонд как точка отсчета.// Экономическое обозрение. - Ташкент, 2007. -№11-12. – с.26-28.
19. Д.Х.Суёнов. Республикамизда давлатнинг корпоратив сектордаги иштироки.// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. -№12. – 58-61 бетлар.
20. Д.Х.Суёнов. Вопросы прозрачности практики корпоративного управления и эффективности менеджмента в акционерных компаниях Узбекистана.// Экономика и финансы. - Москва, 2008. -№1. – с. 60-63.
21. Д.Х.Суёнов. Внедрения информационных технологий в сфере корпоративного управления в Узбекистане.// Экономика и финансы. - Москва, 2008. -№2. – с. 61-63.

22. Д.Х.Суёнов. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув.// O'zbekiston qishloq xo'jaligi. -Тошкент, 2008. -№3. – 33-34-бетлар.

2. Илмий ишлар тўпламларида чоп этилган мақолалар ва тезислар

23. Д.Х.Суёнов. Мамлакатни модернизация ва ислох этишда кичик бизнеснинг аҳамияти.// Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар. Илмий ишлар тўплами. – Т.: Akademiya, 2005. – 19-23-бетлар.
24. Д.Х.Суёнов. Корпорациялар фаолияти самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг аҳамияти.// Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштириш, муаммолар ва ечимлар. Илмий ишлар тўплами. –Т.: Akademiya, 2006. – 191-193-бетлар.
25. Д.Х.Суёнов, М.Н.Равшанов, М.И.Асомова. Республикамиз корхоналарида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари.// Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар. Илмий ишлар тўплами. – Т.: Akademiya, 2006. – 193-196-бетлар.
26. Д.Х.Суёнов. Корпоратив тузилмаларда бошқарув ва мулкчиликнинг зиддиятли муносабатлари.// «Ўзбекистонда яхши корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг материаллари. – Т.: Корпоратив бошқарув маркази, 2006. – 44-47-бетлар.
27. Д.Х.Суёнов, Н.Пўлатов, Б.Умаров. «Малика» ОАЖ ўз фаолиятини реструктуризациялаштириш орқали ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. //Ўзбекистонда бизнес кейслар: Ўзбекистондаги бизнес таълим тизимига «Кейс-Стади» услубини татбиқ этиш. Кейслар тўплами. – Т.:Академия, 2006. – 163-187 бетлар.
28. D.X.Suyunov, T.M.Mirzaraimov, N.N.Isaev. Open joint-stock company «Rele va Avtomatika». How to prevent the company from running into bankruptcy? // Business Case Development: Enhancement of Business School Education Uzbekistan. First published in Tashkent in 2006 by The Sasakawa Peace Foundation. 206-227 p.
29. Д.Х.Суёнов, С.Ю.Асилов. Корпоратив бошқарув ва унинг моҳиятини очиб беришда замонавий илмий ёндашувлар.// Иқтисодий интеграциялашув шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 2007. – 12-19 бетлар.
30. Д.Х.Суёнов, Х.С.Кудратов. Корхонада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш.// Иқтисодий интеграциялашув шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 2007. – 123-132 бетлар.
31. Д.Х.Суёнов. Бизнес муҳитни корпоратив муносабатлар орқали такомиллаштиришнинг концептуал асослари.// Иқтисодий интеграциялашув

- шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 2007. – 216-225 бетлар.
32. Д.Х.Суюнов, А.М.Хайдаров. Молиявий-иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари.// Иқтисодий интеграциялашув шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 2007. – 301-305- бетлар.
33. Д.Х.Суюнов, Р.А.Шарипов. Норуда қурилиш маҳсулотлари бизнес портфелини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.// Иқтисодий интеграциялашув шароитида бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 2007. – 330-339- бетлар.

3. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

34. Ш.Ф.Юлдашев, Д.Х.Суюнов, М.Б.Хамидулин. Акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2005. –138 б.
35. Д.Х.Суюнов, М.Н.Равшанов, М.Бутабаев. Корпоративное управление в хозяйствующих субъектах. Учебное пособие. –Т.: Akademiya, 2007. -409 с.
36. Д.Х.Суюнов, Р.А.Шарипов. Ишлаб чиқариш соҳаларида стратегик менежмент услубларидан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2008. -78 б.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Суёнов Дилмурод Холмурадовичнинг 08.00.13 - «Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича «Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш» мавзuidaги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: бизнес муҳит, корпоратив бошқарув, корпоратив бошқарув механизми, корпоратив бошқарув тамойиллари, корпоратив бошқарув кодекси, бизнес муҳитни оптималлаштириш, рейтинглаш услуги, бизнес киймати, корпоратив бошқарув самарадорлиги.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва компаниялар, корпоратив бошқарув билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилари.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда бизнес муҳитни ривожлантиришга корпоратив бошқарув механизмини жорий этишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар бериш.

Тадқиқот усули: илмий абстракция, қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi: акциядорлик жамияти ҳамда бошқарувнинг мукамаллашган кўриниши – корпоратив бошқарув маълум бир шарт-шароитлар чегарасида бизнес муҳитнинг ташкил этувчилари саналади деган ғоя илгари сурилган; «бизнес-муҳит», «корпоратив бошқарув» ва «корпоратив бошқарув механизми» иборалари моҳиятини таърифлашда муаллиф томонидан янгича тизимли ёндашув ишлаб чиқилган; бизнес муҳитда корпоратив бошқарув иштирокчиларининг манфаатларини уйғунлаштириш имкониятини берувчи илмий қарашлар тизими ўрганилиб, амалиётга қўллаш учун тавсия этилган; корпоратив бошқарув амалиётини рейтинглаш усули бизнес муҳит билан қорхонани бошқариш самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолашнинг энг мақбул усулларида эканлиги атрофлича асосланган; акциядорлик жамиятларида назорат функциясини амалга оширишнинг инсайдерлик тизимида аутсайдерлик тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиши асосланган; «Давлат ишончли вакилининг ҳулқий кодекси» ишлаб чиқилган; Кузатов кенгашининг акциядорлик жамияти бошқарувида таъсири нуқта назаридан келиб чиқиб, «кузатилувчи», «бошқарилувчи» ва «йўналтирилувчи» корпоратив бошқарув моделлари ишлаб чиқилган; Ўзбекистон бизнес муҳитида корпоратив бошқарув кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилган; бизнес муҳитда корпоратив бошқарув ахборот базасининг алгоритмик тузилмаси ишлаб чиқилган; бизнес муҳитда корпоратив бошқарув самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлили асосида акциядорлик жамиятининг бизнес кийматини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: мамлакат миқёсида фаолият юритувчи корпоратив тузилмаларни самарали бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Давлат мулк кўмитаси ва яна тўртта акциядорлик жамиятларида амалиётга татбиқ этилган ва тегишли маълумотномалар олинган.

Қўлланилиш соҳаси: корпоратив тузилмалар, мутасадди ташкилотлар фаолиятида, Олий ўқув юртларида ва мазкур муаммоларни чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларда кенг қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Суюнова Дилмурода Холмурадовича на соискание ученой степени доктора экономических наук на тему «Совершенствование внедрения механизма корпоративного управления для развития бизнес-среды» по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: бизнес-среда, корпоративное управление, механизм корпоративного управления, принципы корпоративного управления, кодекс корпоративного управления, оптимизация бизнес-среды, методология определения рейтинга, бизнес-стоимость, эффективность корпоративного управления.

Объект исследования: акционерные общества и компании, осуществляющие свою деятельность на территории Республики Узбекистан, участники отношений, связанных с корпоративным управлением.

Цель исследования: разработка научно-методологических основ внедрения механизмов корпоративного управления для развития бизнес-среды в Узбекистане и практические рекомендации по их внедрению.

Метод исследования: научная абстракция, сравнительный анализ, экономико-математическое моделирование, экспертная оценка, монографическое изучение.

Полученные результаты и их новизна: выдвинута гипотеза о том, что акционерные общества и корпоративное управление – как вид управления являются составляющим бизнес-среды; автором разработана новая система взглядов при характеристике значения терминов «бизнес-среда», «корпоративное управление» и «механизм корпоративного управления»; изучена и рекомендована для практического применения система научных взглядов, позволяющих привести в соответствие интересов участников корпоративного управления бизнес – средой; всесторонне обоснован, как самый оптимальный метод оценки связи между бизнес-средой и эффективностью управления предприятием, метод рейтинга практического корпоративного управления; обоснована целесообразность перехода от инсайдерской системы в аутсайдерскую систему при претворении контрольной функции в акционерных обществах; разработан «Этический кодекс государственного доверенного представителя»; разработаны модели корпоративного управления – «наблюдаемый», «управляемый», «направляемый» - с точки зрения оказания влияния на управление акционерным обществом Наблюдательным Советом; разработан проект кодекса корпоративного управления бизнес-средой в Узбекистане; разработана алгоритмическая структура информационной базы корпоративного управления в бизнес-среде; разработана методология определения стоимости бизнеса акционерного общества на основе анализа факторов, определяющих эффективность корпоративного управления в бизнес-среде.

Практическое значение: разработка рекомендаций по эффективному управлению корпоративными структурами, осуществляющими свою деятельность в масштабах страны.

Степень внедрения и экономическая эффективность: внедрены в практической деятельности Госкомимущества и четырех акционерных обществах и получены соответствующие справки о внедрении результатов исследования.

Сфера применения: возможно широкое применение в корпоративных структурах, в деятельности дочерних предприятий, в Высших учебных заведениях и в научных исследованиях по данной проблеме.

RESUME

Thesis of Suyunov Dilmurod Kholmuradovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences in economics, speciality 08.00.13 "Management and Marketing" subject: "Development of implementing the mechanism of corporate management for development of business environment"

Key words: business environment, corporate management, mechanism of corporate management, principles of corporate management, code of corporate management, optimization of business environment, rating methodology, value of business, effectiveness of corporate management.

Subject of the inquiry: Joint stock companies and enterprises, which operate in the territory of the Republic of Uzbekistan, participants of relations connected with corporate management.

Aim of the inquiry: To work out scientific-methodological foundations of implementing the mechanisms of corporate management to the development of business environment in Uzbekistan and practical recommendations for their implementation.

Methods of inquiry: scientific abstraction, comparative analyses, economic and mathematic modeling, expert estimation, monographic studying.


The results achieved and their novelty: The hypothesis is given that Joint stock companies and corporate management as an improved style of Management are the core of business environment. The author has worked out new system of approach in defining the meaning of words as "business environment", "corporate management" and "the mechanism of corporate management". It is considered and given recommendations on implementing of scientific visions on opportunities of describing of interests of corporate management participants. It is complied with objectives to turn from insider system to outsider system in improving control function in joint stock companies. "Ethical code of state representative" is developed. According to the influence of monitoring board to the management of Joint stock companies there were developed the models of corporate management as: "monitorable", "manageable" and "directable". There was developed the project of corporate management code in business environment of Uzbekistan. There was worked out the algorithmic structure of corporate management information basis in business environment. There were worked out the methodologies of joint stock companies' business value studying according to the analyses factors, defining the effectiveness of corporate management in business environment.

Practical value: to work out the recommendations according to the effective management of corporate systems which operate in the world.

Degree of embed and economic affectivity: implemented in the practice at State Property Committee and four joint stock companies, and corresponding documents on implementation of research results are taken.

Sphere of usage: it can be widely used in corporate structures, in the activities of enterprises, in Higher educational institutions and in scientific researches which deal with the following problems.

Таддикотчи:



Босишга рухсат этилди	02.06.2008
Қоғоз бичими	60x84 ^{1/16}
Ҳисоб-нашр табоғи	2,8 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 30

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
Академияси босмахонасида ризография усулида чоп этилди.
100003, Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45.